


5 21-1
548
О. К. БЕРДИЕВ, Х. Б. МАХМУДОВ.




**СУРХОНДАРЁ
ЎЛКАСИ
ТАБИАТИ**

“ЖАЙХУН”


О. К. БЕРДНЕВ, Х. Б. МАҲМУДОВ.

440824
Сурхондарё
ЎЛКАСИ ТАБИАТИ



Сурхондарё вилояти матбуот бошқармаси «Жайхун» нашриёти.
ТЕРМИЗ—1998 йил.

СУРХОНДАРЁ ЎЛКАСИНИНГ ХАРИТАСИ



Ушбу китоб муаллифларнинг кўп йиллик илмий изланишлари натижасидир. Китобда асримизнинг бошларигача атроф-муҳитнинг экологик ҳолати нормал ҳолатдалиги, турли хил мавжудотларнинг эркин ўсиб-улғайганлиги, хавф-хатарнинг бўлмаганлиги кўрсатилган. Аммо кейинги йилларда — асримиз бошларидан бошлаб экологик вазият ўзгарганлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг бир қисми йўқолиб бораётганлиги, бу ҳол инсониятни ҳалокат ёқасига келтириб қўйганлиги батафсил баён этилган. Умуман, китобда инсоннинг табиат устидан ёвузлиги, унинг келажақтаги ёмон оқибатлари ҳақидаги замонавий фикрлар ёритилган.

Бундай табиатга ёвузлик, ваҳшийлик Сурхондарё ўлкасини ҳам четлаб ўтмагани кўрсатилган.

Ўлкамиз ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бой ва хилма-хилдир. Ўлкамиз тўқайзорлари, чўли-биёбонларининг ўзлаштирилиши оқибатида у ердаги ҳайвонот дунёси камайиб кетди, қўшларнинг турлари кескин ўзгарди, балиқларимиз сони ва турлари камайди. Умуман, табиатни салбий томонларга буришга эришилди. Шунингдек, ноёб ҳайвонлар ҳам нотўғри овланди, маълум илмий системада овланмагани оқибатида ҳам салбий ҳолатлар индада кучайди.

Муаллифлар табиатни сақлаш, уни кўпайтириш, бу соҳадаги ҳарор, қонуनларни ўрганиш, унга риоя қилишни оммага ўргатиш ва талаб қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Табиат — биз яшайдиган жой, бизнинг уйимиз.

Умуман олганда, «Сурхондарё ўлкаси табиати» деб номланган китоби табиатга нисбатан муносабатларимизни, карашларимизни қайта қуришга қўлланма бўла олади.

Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим:

ОМОН ЖАМОЛОВ.

Д О Л З А Р Б М А С А Л А

Инсоният тарихида инсон ва табиат, одамлар ва ҳайвонот дунёси энг долзарб масалалар сифатида қаралади. Қарийб давримиздан юз минг йил муқаддам инсонлар томонидан ўзлаштирила бошланган Сурхондарё вилояти ҳам бу муаммодан мустасно эмас.

А. К. Бердиев, Х. Б. Маҳмудов ҳамкорликда ёзган «Сурхондарё ўлкаси табиати» вилоят аҳлининг ўз юртини табиат ва ҳайвонот дунёси билан яқиндан таништиради, аҳолида ўз вилоятининг экологик аҳволи тўғрисида билимларни шакллантиришга хизмат қилади.

Тарих фанлари номзоди:

Т. АННАЕВ.

МУҚАДДИМА

Кислород бўлмаса, одам яшай олмайди. Аммо табиат бунга йўл қўймайди. У инсон ва ўсимликлар, ҳайвонот олами учун ҳамisha ҳаво етказиб беради. Сув бўлмаса, яшаб бўлмас эди. Лекин гамхўр табиат ўсимлик ва ҳайвонот оламини, инсонни сувсиз қолдирмайди. Қуёш бўлмаса, ҳаёт тўхтаб қолган бўлур эди. Табиатнинг буюк қонунига буйсунган қуёш ҳар доим тирик мавжудотга хизмат қиладди.

Инсон—табиатнинг олий маҳсули. Бошқача қилиб айтганда, фарзанди. Табиат марҳаматсиз яшай олмас эканмиш, демак у—бизнинг опамиш. Ҳа, шунинг учун ҳам она табиатни, унинг мавжудотларини, қушларини, ҳайвонларини, ўсимликлари ва бошқа бойликларини севишимиз керак, аъюзлашимиз ва кўпайтиришимиз лозим.

Инсон ер юзасидаги энг улут мавжудотдир, унинг имкониятлари катта ва бу имкониятларин авлодларимиз фаровонлиги йўлига сафарбар этмоқ керак, шунинг учун унутмаслик лозимки, инсон табиатни ҳосилсиз, ўлик ва зарарли саҳрога айлантириб ташлаши ҳам мумкин, бу—жиноятдир. Бунга йўл қўймаслигимиз лозим, чунки табиатга етказилган зарар учун келгуси авлодлар олдида жавобгар эканлигимизни ёддан чиқармаслигимиз даркор.

Инсоният ҳаёти ўсимликлар олами билан узвий боғланган. Барчага маълумки, наботот олами инсонни тўйдирди, кийинтирди, ҳавони поклаб беради, сўлим гўшалар яратади, хўжалик ва қурилиш материаллари бўлиб хизмат қилади, кўзга завқ берадиган гўзал манзаралар яратади, тупроқни эрозиядан сақлаб, намликни ушлаб туради, салқинлик ва ҳарорат беради... Хуллас, ўсимликлар фойдаларини санаб, интиҳосига етиш қийин.

Инсоният қадим-қадим замонлардан бери ўсимликларнинг шифобахш хусусиятларидан баҳраманд бўлиб келмоқда. Ибтидоий даврларда одамлар ўзларининг дардларига даво излаб, аввало, ўсимликлар оламига маъданларга ҳамда ҳайвонот маҳсулотларига интилар эдилар.

Ўлкамиз шифобахш ўсимликлар маскани сифтида машҳур. Серқуёш дала ва боғларимизда етиштирилаётган ширин-шарбат мевалар, турфа хил сабзавот, резаворлар, асал, полиз маҳсулотлари ўзларининг шифобахшлиги билан ажралиб туради.

Тоғларимизда табиий ҳолда етишаётган неъматларнинг хосиятларини сацаб, интиҳосига етказиш қийин.

Токи биз табиат қонунларини билмас эканмиз, у онгимиздан ташқари мавжуд ва ҳаракатда бўлиб, билич кўр-кўрона заруратнинг қулига айлаантириб қўяди. Модомики, бу қонуннинг мавжудлигини билар эканмиз, ирода ва онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаракатда эканлигига тушунамиз. Бизга табиат қонунлари заруратдир.

Табиат--биз яшайдиган гўша, табиат ва инсон, ўсимлик ва ҳайвонот олами бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Ҳақиқатда асримизнинг бошларида атроф-муҳитнинг экологик ҳолати шундай эдики, ер юзасидаги жамики мавжудотларнинг ўсиб-улгайишига ҳеч нарса хавф солмасди, эндиликда вазият оғирлашиб, инсоният яшашини қийин аҳволга солиб қўйди. Инсон табиатдан фақат истеъмол тарзида фойдаланмасдан, балки у яратиши, етиштириши, табиатни бойитиши ҳам керак. Кейинги пайтларда табиатга хўжасизларча, фақат ўзлаштириш манбаи деб қараш унинг экологик ҳолатини, яшаш учун қулайлигини қийин аҳволга солиб қўйди. Экологик вазият ёмонлашуви Осиё минтақасини, жумладан, Сурхондарё ўлкасини ҳам четлаб ўтгани йўқ.

Ўлкамизнинг ҳайвонот дунёси бой ва хилма-хилдир. Азалдан инсон ҳайвонларни овлаб, ундан гўшт, мўйна, тери ва ҳоказолар олган. Ҳар йили ўлкамиздаги сув ҳавзаларидан минглаб тонна турли хил балиқ маҳсулотлари олинади, овчилар мўйнали ҳайвонларнинг минглаб териларини топширадилар, бироқ қўриқ ерларнинг, яйловларнинг, тўқил ва дарё, чангалзорларининг ўзлаштирилиши ҳайвонларни, қушларни қулай яшаш муҳитидан маҳрум этди. Ҳайвонлар сонининг камайиб кетишига ноқонуний ов қилиш ҳоллари кучли таъсир этди.

Ушбу китоб кенг китобхонларга, воҳамиз табиатини сақлаш ва кучайтириш борасида иш олиб борувчилар, уни ўрганувчиларга бир ёрдам сифатида тайёрланди. Асар мазкур соҳадаги дастлабки китоблардан бўлганлиги сабабли унда камчилик-нуқсонлар бўлиши табиий. Китобхонларнинг шу борадаги таклиф-истаклари, мулоҳазаларини муаллифлар мамнуният билан қабул қиладилар.

ЎЛКАМИЗНИНГ ГЕОЛОГИК ТАРИХИДАН

Ҳар бир жойнинг, ўлканинг ўз жойлашиш ўрни, тараққиёт тарихи, ўзига хос хусусиятлари бор. Шу жумладан, воҳамиз ҳудуди ҳам ўзига хос мураккаб ва палеогеографик, яъни қадимий географик тарихга эга.

Шундай экан, ўлкамизнинг палеогеографик ўтмиши қай йўсинда ўрганилмоқда? Мутахассис—олимларимиз бу борада анчагина ишлар қилишган. Жумладан, тоғ жинсларининг ҳам замин ичкарис томон, ҳам горизонтал йўналиш бўйлаб географик тарқалиши, уларнинг таркиби, хосса ва хусусиятларига, шунингдек турли ёшдаги юзаларнинг чўкмалари ва тоғ чўққиларининг жойлашиш таркибига асосланиб ҳамда радиоактив элементларнинг парчаланишига асосланган усуллар билан ўлкамиз заминининг ўтмишига назар солинган.

600—350 миллион йил муқаддам, яъни токембрий (архей ва протерзой эраларида) даврининг охири полеозой эрасининг бошларида бутун ер кўраси тектоник нуқтан назардан турган платформаларга ва фаоф ҳисобланган геосинклинал ҳудудларга бўлинган.

Кембрий 600 миллион йил муқаддам бошланиб, 70—80 миллион йил давом этган даврдан токи тахминан девон даврининг (350 миллион йил аввал) охирига қадар ўлкамиз ҳудудида денгиз мавж урган. Денгиз муҳити ҳукмрон бўлишига қарамасдан геологик жарёнлаш билин-кетиб содир бўлиб, денгиз тубининг паст-баландликларини ҳосил қилган.

Узоқ давом этган бу даврда ўлкамиз майдони жанубий ярим шарда жойлашган. Масалан, кембрий, ордовик, силур ва девон даврларида экватор чизиги Кола ярим ороли ва Ўрта Осиёнинг шимолий қисмларидан ўтган. Бу даврларда Шимолий ярим шарда қўйидаги тўртта иқлим ҳудуд, яъни экватор бўйлаб чўзилган тропик, жанубий арид (қурғоқчил), ўртача кенгликнинг нам, муътадил минтақаси ва қутб ёни ҳудудлари мужассамлашган. Ўзбекистон ҳудуди нам тропик иқлим ҳудудида жойлашган. Кейинчалик, девон даврининг охирига келиб, республикамизнинг жанубий қисмида арид иқлимли зона таркиб топган.

350-135 миллион йил муқаддам аҳвол қандай эди? Бунга полеозой эрасининг тошқўмир (350 миллион йил муқаддам бошланиб, 65—70 миллион йил давом этган). Пермь 280 миллион йил аввал бошланиб, 45 миллион йил давом этган) ва мезазой эрасининг триас

(230 миллион йил аввал бошланган ва 40—45 миллион йил давом этган) давлари тўғри келади.

Тошкўмир давридаги герцин тоғ бурмаланиши таъсирида республикамиз ҳудудлари биринчи бор қуруқликка айланган. Баъзи жойларнинг кўтарилиши муносабати билан денгиз сувлари чекингач бўлса, чўкиш туфайли эса (масалан, Тошкент воҳаси, Сурхондарё водийсида) денгиз сувлари қайтиб, яна ўз жойини эгаллади. Бу даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, дунямиз тахминан 300 миллион йил муқаддам экватордан шимолий ярим шарга «ҳатлаб» ўтган. Шу вақтда денгиз суви эгаллангач Сурхондарё ўлкасининг ўрни шимолий ярим шарнинг нам тропик зонасига ўтди. Республиканинг қолган майдонлари қуруқликдан иборат бўлиб, шимолий ярим шарнинг қурғоқчилик иқлим ҳудудига жойлашган.

Пермь даврида герцин бурмаланишининг давомли ва шиддатли тектоник ҳаракатлари оқибатида нафақат Ўзбекистон, балки бутун Урта Осиё территорияси қуруқликка айланган. Натижада, ҳозирги Фарғона, Олой, Туркистон, Зарафшон, Ҳисор тизмалари баланд тоғлар қаторидан ўрин олиб, баъзиларининг баландлиги 5000 метрдан ошиб кетади. Марказий Қизилқум чўлидаги Султон Ваис, Букантот, Томдитоғ, Кулунуктоғ ва Нурота каби тоғлар ҳам шу даврда ҳосил бўлган.

Пермь даврида ўлкамиз батамом шимолий ярим шарнинг арид иқлим ҳудудига кирган. Бу даврда йирик судралувчи ҳайвонлар—рептилиялар пайдо бўлган, дастлабки игнабаргли дарахтлар барқ уриб ўса бошлаган.

Триас даврида судралувчиларнинг ҳозирги, деярли барча гуруҳлари таркиб топган, қуруқликда дастлабки калтакесак, тимсоҳ, қуш тухумидан кўпаяувчи сут эмизувчи ҳайвонлар пайдо бўлган. Рептилиялар яна тараққий этган. Баҳайбат динозаврлар кўпайган.

200—100 миллион йил муқаддам, Юра даврининг (200 миллион йил илгари бошланиб, 55—58 миллион йил давом этган) ўрталарида Тошкент воҳасининг шимолий-шарқ томонидаги ерларни, Фарғона водийсини, Туркمانистон Республикасига туташган майдонларнинг сув қоплайди. Айниқса, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг ҳозирги текислик ва тоғли туманлари, Копетдоғ денгизи, Устюрт паст текислиги атрофларида денгиз суви мавж урган.

Юра даврида иқлим жуда нам ва ҳаво иссиқ бўлган. Бундай шароитда хилма-хил ўсимликлар, баланд бўйли дарахтлар барқ уриб ўсган. Шарғун, Бойсун тоғ оралигидаги кўмир ҳавзалари ўша замонларда шаклланган. Қуруқлик ва денгиз муҳитида яшовчи ҳайвонлар, масалан, баҳайбат динозаврлар, калтакесак ва қушлар кўпайган. Динозаврларнинг оғирлиги бир неча 10 тўннани, узунлиги

йигирма метрчани, баландлиги эса бир неча метрни ташкил этган. Мутахассис В. Барская ва бошқаларнинг маълумотига кўра, мезазой эрасида яшаган баъзи динозаврларнинг 30-60 тоннага, узунлиги 27, баландлиги 6 метрга етган. Ўлкамиз денгизларида маржон рифлари, сувутлари кенг тарқалган, акула, қиргоқ ботқоқликларида эса йирик тимсоҳлар яшаган.

Бур (135 миллион йил аввал бошланиб, 70 миллион йил давом этган) даври бошларида воҳамиз жанубий чекка қисми денгиз бўлган. Қуруқликда дарёлар кўп бўлиб, улар йўналиши, катта-кичиклиги, серсувлиги ва географик жойлашиши жиҳатидан ҳозирги дарёлардан тубдан фарқ қилган. Иқлим жуда иссиқ ва қуруқ бўлганлигидан юра даврига мансуб ниҳоятда кўп, хилма-хил ўсимлик ва ҳайвонот дунёси йўқолиб кетган. Қум ва тошлоқ чўллар таркиб топган.

Юра ва Бур даврларида қуруқлик билан денгиз ҳавзаларининг нисбати тез-тез ўзгариб турган. Ҳеч бир давр Юра давридагидек ўсимлик ва ҳайвонотга бой бўлмаган.

Денгиз суви чекингани сайин нам ва иссиқ қўрғоқчилик бошланган. Натижада, ҳозирги иқлими шароитига хос табиат манзаралари таркиб топа борган. Шунингдек, сайёрамиз миқёсида иқлимнинг ўзгариши натижасида ўлкамиздаги тоғларни бир неча бор муз қоплаган, иссиқ даврлар келиши билан музлар эриб кетган.

110-80 минг йил муқаддам ўлкамизда йирик буғу, Сибирь каркидони, жирафаларнинг баъзи турлари, ҳозирги отларнинг аждоди—гиппарионлар, кейинчалик стенон отлари учраган. Ўлкамизда 50 минг йил аввал яшаган қадимги одамларнинг истиқомат жойлари аниқланди. Ҳисор тоғ тизмасидаги Тешинтош ғоридан топилган неандерталь одамнинг суяклари топилди.

Шундай қилиб, ўлкамиз табиати ўзининг узоқ тараққиёти давомида мураккаб жараёнларни бошидан кечирган.

Ўрта Осиё ер юзининг адир қўрғоқчилик минтақасида жойлашган ўзига хос хусусиятларига эга бўлган зоогеографик ҳудуд ҳисобланади. Антропоген даврида Турон пасттексислиги (Қизилқум, Қорақум ва Устюрт)ни қоплаб ётган Ўрта Осиё денгизи йўқолиб кетгач, ҳозирги Ўзбекистон территориясига бошқа ҳудудлардан ҳайвонлар келади. Бу ерда ривожланаётган дашт шароитининг таъсири остида ва эволюция жараёнида ҳайвонларнинг маҳаллий турлари вужудга кела бошлади. Шу даврларда Ўрта Осиё учун умуртқали ҳайвонларнинг кенжа тури, тур ва авлодларининг (Ерказар, нингичка юморнозиқ, хўжасавдогар, қурбақабош, калтакесак) каби ноёб шакллари характерлидир. Ўзбекистон текисликларига шу жумладан ўлкамизга жанубий тропикда яшовчи ҳайвонлар (асалхўр, сиртлон, қорақулоқ, гепард) кўчиб келиб, дашт-палеарктика ҳайвонлари (сассиқкузон, алакузан, дала мушуги, жайрон, сайғоқ, қарсак) би-

лан юзма-юз келди. Бу жойларда Африка даштининг (Бархон мушуги, африка қўшоёғи) ҳамда Марказий Осиё қўллари вакиллари (дала мушуги) ҳам кириб келди. Амударёнинг қамчишзор тўқайларида Ҳиндистон ва Афғонистоннинг субтропик ва тропик ўрмонзорларида яшайдиган ҳайвонлар (Бухоро бўғиси, тўроқ йўлбарси, қамишзор мушуги, чиябўри ҳамда сркаламуши) кўплаб ривожланди — тарқалди. Жанубий Сибирь, Марказий Осиё, Шимолий Ҳиндистон, Эрон ва Афғонистон тоғлари орқали тепаликлар бўйлаб, ўлкамизга қизил бўри, илвирс, морхўр, тоғ қўйлари ҳам кириб келди. Ҳайвонларнинг ўлкамизда доимий яшаб келаётган турлари (жайрон, северцев қўйи, жайра, қум сичқонининг кенжа тури, ёввойи қушларнинг ҳар хил турлари) мавжуд. Ииртқич ҳайвон ва қушларни эса халқ хўжалиги ва ахтиёжига кўра спорт жиҳатидан ов қилиш учун зарурдир. Сут эмизувчиларнинг 40 дан ортиқ тури мўйнаси, териси, гўшти, ёғи учун ов қилинади. Илонларнинг заҳари эса илмий ва шифобахш аҳамиятга эга. Ўлкамизда канча илон, қум илон, кулвор илон ва бошқа турлари, айниқса Боботоғ, Кўҳитанг тоғ, Бойсун тоғ, Ҳисор тоғлари этакларида кўп учраб туради.

Юқорида курсатганимиздек ўлкамиз табиати ўзига хослиги ва бойликлари билан ажралиб туради. Сурхондарё ноҳаси текисликлари осмонўпар Ҳисор тоғи ва унинг Бойсун тоғ, Кўҳитанг тоғи ҳамда Боботоғ каби тизмаларига бориб тақалади. Худуд жанубда Амударё орқали Афғонистон билан чегарадош. Вилоят майдони 20,8 минг квадрат-километрдан иборат, бошқача айтганда, Фарғона водийсидаги учала вилоят майдонидан ҳам каттадир.

Бу ўлканинг табиати ўзига хос. Воҳа ҳудудида тоғлару, деноён текисликлар, баланд тоғ музликлари ва альп ўтлоқлари-ю, янтоқ-саксовулди, саҳро маъзарасини эслатувчи қумли майдонлар, асрлар юзини кўрган арчазорлару, кенг қамишзор: тўқайлар: сўлим боғлару, сувсиз қақраб ётган майдонлар бор. Гўё табиатнинг барча ранг-баранглиги атайлаб бир ерга йиғилгандек. Вилоятда қадимда қориз орқали чиқарилган сувдан фойдаланиб келинган бўлса, эндиликда Жанубий Сурхон сув омбори, Уққизил, Оқтепа, Намуна — дегрез сув омборлари ишлаб турибди. Уларнинг сув ҳажзаларининг сизими 150 миллиондан 600 миллион-квадрат кубометргачаи ташкил этади. Яқин атрофда Туполанг дарёси устида Туполанг сув омбори қурилиб, ишга туширилади, унинг чуқурлиги 180-200 метрдан иборатдир. Бу ишоотнинг қурилиб битказилиши ўлкамиз сўлим боғлари-ю, экинзорларини кўпайтириш имконини беради. Шу ҳисобда ўлка бойлигига-бойлик қўшилади. Минг гектарлаб ерлар суғорилади. Ўлка иқтисодий ривожига замин ташланади.

Туполанг дарёсида қурилаётган сув омборининг сизими 600 миллион кубометрни ташкил этади.

ЎЛКАМИЗ ДАРЁЛАРИ



Суратда: Сурхондарёнинг Хўжакамол қишлоғи атрофида кўриниши.

Сурхондарё ҳавзаси Шимолдаги Ҳисор тоғ тизмаси, Ғарб ва Жанубий-ғарбда унинг тармоғи бўлган Бойсун тоғлари ва Шарқда Боботоғ билан чегараланган, жанубда эса ҳавза Амударё водийси билан қўшилиб кетади.

Сурхондарё водийсининг шимолдаги Ҳисор тоғ тизмаси Сурхондарё ҳавзаси тоғли ҳудудининг асосий қисмини эгалайди ва бу ердаги бошқа тоғларга нисбатан баландлиги билан ажралиб туради. Бу тоғ тизмасининг Сурхондарё ҳавзасига қарашли қисмидаги айрим чўққилари денгиз сатҳидан 4500 метр ва ундан ҳам баланд. Баланд жойларда кичик-кичик музликлар ҳам бор. Ҳавзанинг энг йирик ва кўп сувли дарёлари шу Ҳисор тоғ тизмаси ён бағрларидан оқиб тушади. Тизма ён бағридан ҳосил бўлган оқим миқдори Сурхондарё ҳавзасининг бутун тоғли қисмида пайдо бўладиган сув ҳажмининг камида 70 фоизини ташкил этади.

Ҳисор тоғ тизмаси Сурхондарё ва Кофирнихон ҳавзалари доирасида бир хил баландликлардадир. Шунинг учун бу икки ҳавзанинг тизма ён бағридан оқиб тушадиган дарёлари тўйиниш шароити ва оқимининг йил ичида тақсимланиши жиҳатидан бир-бирларига жуда ўхшашдир.

Ҳисор тизмасининг жанубий-ғарбий тармоқлари /Бойсунтоғлари/ фақат шимолда 4000 метрдан баланд, жанубга томон эса улар жуда кескин пасайиб боради. Шу сабабдан Сурхондарё ҳавзаси ўнг қирғоқ қисмининг жанубида бўлса-да, доимо сув оқадиган дарёлари йўқ. Сурхондарё ҳавзасининг Кофирниҳон ҳавзасидан ажралиб турадиган Боботоғ жуда пастдир. Унинг ўрта қисмида жойлашган энг юқори чўққиси атиги 2286 метр бўлиб, бу чўққидан ҳар икки томонига, шимол ва жанубга қараб тоғ пасая бориб, 500-600 метрга тушиб қолади. Шу туфайли Боботоғ ён бағриларида суви Сурхондарёга етмасдан тугаб кетадиган вақтли сойларгина оқиб тушади. Бу сойлар ҳавзанинг умумий сув ресурсларида деярли ҳеч қандай роль ўйнамайди.

Сурхондарё Тўполанг дарё ва Қоратоғ дарёнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Тўполангдарё Қоратоғдарёга нисбатан икки марта кўпроқ сер-сувдир, унинг тоғларидан чиқиш ердаги ўртача кўп йиллик сув сарфи секундига 52 кубометрдан, Қоратоғдарёники эса секундига 23 кубометрдан иборат. Ўз навбатида бу дарёларга бир неча ирмоқлар келиб қўшилади, чунончи Тўполангдарёга ўзининг Шарғун ирмоғи билан Дашнобод /Обизаранг/ дарёси, Қоратоғдарёга эса Оқарсой билан Ширкент дарёлари келиб қўшилади. Сурхондарёга ўнг томондан иккита йирик ирмоқ-Сангардак ва Хўжайпоқ дарёлари келиб қўйилади. Хўжайпоқдан жанубда сел вақтида сув оқадиган бир қанча сой ва жарликлар бор, холос. Улардан энг йириклари Бойсунсой, Оққопчиғай ва Тошкўпирик сойларидир. Тўполангдарё, Қоратоғдарё ва Сурхондарё барча ирмоқларнинг сувлари тоғлардан чиқишлари билан сертармоқ каналлар орқали сугоришга олинади. Натижада, улар ўз сувларини бош дарёга тамомила етказиб бера олмайди ёки фақат тўлим сув даврида ва ўтиш вақтидагина етиб боради ёки қуйи оқимларда гурунт сувларини олиб бориб қуяди, холос. Шундай қилиб, бу ирмоқларни мустақил дарёлар деб ҳисоблаш тўғрироқ бўлади.

Сурхондарё ҳавзасининг тоғли қисми 6280 квадрат километр майдонга эга, унда ҳосил бўладиган оқимнинг умумий миқдори ўрта ҳисобда секундига 120 кубометр ёки йилига 3,78 миллиард кубометрни ташкил этади, демак Сурхондарё ҳавзаси тоғли худудининг ўртача оқим модули 14,6 литр км² га тенг, яъни Кофирниҳон ҳавзаси тоғли областининг оқим модулидан /23,5 л/сек.км²/ анча камдир. Тўполангдарё /112 км:Г-2200 км²/ Ҳисор тоғ тизмасидаги чўққи /4688 метрли/ яқиндан бошланади. Бошланиш қисмида у Қорасув, бир оз кейинроқ эса Тамшуш деб номланади. Фова деган кичкина ирмоқ келиб қўшилгач, Тўполангдарё номини олади. Зарчўп қишлоғигача Тўполангдарё айрим жойларда тоғдан оқади. Шатрут ирмоғининг қуйилиш ерига қадар водийнинг эни 100-120 метрни

ташқил этади, ундан қуйида эса 60-80 метрга тушади. Фақат ирмоқлар келиб қуйилиш жойларида водий 200 метргача кенгайган. Водийнинг ён бағирлари тик баланд. Дарё ўзани анча турғун, у камдан кам жойлардагина тармоқланган, фақат тоғ этакларига яқин келгандагина у иккита-учта тармоққа ажралиб, узунлиги 300 метр, эни 50 метр келадиган оролча ҳосил қилади.

Ҳисор тизмаси этакларидан бошлаб Тўполангдарё кенглиги 2-5 километр бўлган водийда оқади, бироқ Хоним қишлоғидан ўтгандан сўнг водий яна тораяди.

Тоғ этакларидан бошлаб дарёда қайир пайдо бўлади қайирнинг эни дастлаб 50-400 метр орасида бўлса, дарё текисликка чиққандан сўнг деярли 2 километрга етади. Бироқ дарё этагига келганда яна 100-200 метрга тушиб қолади.

Тоғлардан чиққандан сўнг, айниқса қуйилиш қисмида дарё ўзани бир неча тармоқларга ажралиб кетади у ўз қиёфасини ўзгартириб "дайдиб" юради.

Тўполангдарё сув йиғилиш майдонининг ўртача баландлиги 2546 метр: 4000 метрдан баланд жойлар ундан атиги 3, фоизни. 3500 метрдан баланд жойлар эса 15,4 фоизни ташқил этади. Сув йиғилиш майдони унча баланд бўлмаганлигидан Тўполангдарёнинг суви асосан мавсумий қорларнинг эришдан ҳосил бўлади. Унинг тўйинишида абадий қор ва айниқса, музликлар жуда кам иштирок этади. Шундай қилиб Тўполангдарё қор музликлар сувидан тўйинадиган дарёлар қаторига киради ва шу типдаги дарёлар учун хос бўлган режимга эга: дарёда сув феврал ойи охириларидан то июннинг охириларига қадар кўпая боради: май-июнь ойларида сув энг кўп оқади, июнь ойидан бошлаб эса сув камайиб бориши январь ойининг охириларига қадар давом этади.

Тўполангдарё Сурхондарё ҳавзасидаги энг серсув дарёдир. Унинг йиллик оқими Сурхондарё ҳавзасининг тоғли қисмида ҳосил бўладиган оқимининг 44 фоизини ташқил этади. Тоғлардан чиқиш жойида /Зарчўп қишлоғи ёнида/ Тўполангдарёнинг ўртача оқими секундига модули 23,6 л секунд км² га тенг, унинг ўртача йиллик сув сарфи секундига 33,4 м³/ўзгариб туради. Максимум сув сарфи секундига 470 кубометрни ташқил этади.

Тўполангдарёнинг суви анча лойқа, унинг ўртача лойқалиги Зарчўп қишлоғи ёнида 0,305 кг/м³ га тенг, оқизиклар миқдори эса 15,6 кг/секунд ёки йилига 491 минг тоннани ташқил этади. Тўполангдарёнинг энг йирик ирмоғи-Дашнобод дарёсининг сув йиғилиши майдони 311 квадрат километр, сув йиғилиш майдонинг

Ўртача баландлиги 2263 метр ўртача кўп йиллик сув сарфи 6,02 м секунд ўртача оқими модули эса 19,4 л/сек километрга тенг. Сув йигилиш майдони нисбатан паст бўлганлигидан Дашнобод дарёси максимал сув сарфи оўпинча май ойида, минимал сув сарфи эса октябрь, ноябрь ойларига тўғри келади.

Қоратоғдарё 95 км: Г-682 км/ҳам Ҳисор тизмасининг жанубий ён бағридан оқиб тушади. Қоратоғ қишлоғига, яъни тоғлардан чиқиш жойига қадар дарё асосан у-симон тор водийда оқади, фақат айрим жойлардагина водий 200-250 метрга етади. Водийнинг ён бағирлари тик ва баланд. Икки жойда дарё кенглиги 60-100 метр келадиган тор жойдан оқади. Дарё ўзани турғун, ҳеч ерда тармоқларга ажралмаган: унинг қирғоқлари тик ва кўп жойларда водий ён бағирлари билан тутшиб кетган. Водий кенгайган айрим жойларни ҳисобга олмаганда, дарёнинг тоғлардан чиқишга қадар қайир учрамайди.

Қоратоғ қишлоғида дарё текисликка чиқади, шу ердан бошлаб 8 километр масофа давомида дарё водийси аста-секин ўзгариб у симон шаклдан яшиксимон шаклга кира боради. Водийнинг кенглиги Қоратоғ қишлоғи ёнида 300 метр, Олтин яйлов қишлоғи ёнида ва Заргар билан Жончекка қишлоқлари ораллиғида эса 3 километрга боради. Сунгра водий бир оз тораяди. Оққўрғон қишлоғидан дарё Тўполангдарё билан қўшилган ерга қадар водий кенглиги ўртача 500-600 метрни ташкил этади. Тоғлардан чиқиш жойдан то қўйилиш ерига қадар дарё эни 400-600 метр келадиган икки томонлама қайирга эга.

Қоратоғ билан Оққўрғон қишлоқлари ораллиғида айниқса, Оққўрғонга яқин жойларда дарё ёйилиб оқади, унинг ўзани гоҳ у қирғоқни, гоҳ бу қирғоқни ювиб, қайир бўлиб “дайдиб” юради: ўзани бир неча жойда тармоқларга ажралиб кетган: Оққўрғон қишлоғида қўйида ўзан анча тор бўлиб, у қадар тармоқланмаган.

Қоратоғдарёнинг сув йигилиш майдони Тўполангдарёниқига ўхшашдир. Унинг ўртача баландлиги 2560 метрга тенг, 4000 метрдан баланд бўлган, жойлар унда 24 фоизни 3500 метрдан баланд бўлган жойлар эса 14,5 фоизни ташкил этади. Шунга кўра, Қоратоғ дарё ва Тўполангдарё тўйиниш хусусияти ва оқимининг йил ичида тақсимланиши жиҳатидан бир-бирларига ўхшайди. Фақат шуни кўрсатиб ўтиш зарурки, Тўполангдарёнинг сув йигилиш майдонига қараганда Қоратоғ дарёсининг сув йигилиш майдони Сурхондарё водийси бўйлаб эсадиган ҳаво массаларига анча қулай ва очиқ жойлашган, натижада унга кўпроқ ёгин ёғади ва Тўполангдарё ҳавзасидагига нисбатан бу ерда қор чегараси пастроқдан ўтади. Шу сабабдан Қоратоғдарёнинг нисбий сувли-

оқим модули анча катта /33,3 л/сек.км/. Бундан ташқари, қор чегараси пастроқдан ўтганлиги ва демак абадий қор ва музликлар нисбатан кўпроқ бўлганлиги туфайли Қоратоғдарёда йиллик оқимнинг каттароқ қисми /32,2 фоизи/ июль-сентябрь даврида оқиб ўтади. Холбуки, Тўполангдарёнинг бу даврдаги оқими 28 фоизни ташкил этади.

Қоратоғдарёнинг оқими йил давомида Тўполангдарёни кичалик бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, анча нотекис тақсимланган. Бу дарёда октябрь февраль ойлари давомида йиллик оқимнинг 11,3 фоизи оқиб ўтади. Бунга қисман дарё сув йиғилиш майдонида отқинди тоғ жинсларининг кенг тарқалганлиги ҳам сабаб бўлади. Бу жинслар дарё сув йиғилиш майдонининг 50 фоизини ташкил этади.

Қоратоғдарё анча лойқа дарёдир. Унинг оқизиклари микдори Қоратоғ ёнида 6,28 кг сек ёки йилига 198 минг тоннани, сувининг ўртача лойқалиги эса 0,265 кг/м ни ташкил этади. Шундай қилиб, Қоратоғдарёнинг ҳар квадрат километр сув йиғилиш майдонидан ўрта ҳисобда йилига 290 тонна оқизик ювиб кетилади.

Қоратоғдарёсининг Ширкент ва Оқжарсой каби ирмоқлари бор. Ширкент дарёсининг сув йиғилиш майдони 346 квадрат километр бўлиб, унинг ўртача баландлиги 2384 метрдир. Тоғлардан чиқиш жойида Ширкентнинг ўртача кўп йиллик сув сарфи секундига 9,98 кубометр ўртача оқим модули эса 28,8 л/сек км/дан иборат. Бу дарёда максимал сув сарфи асосан май ойида, минимал сув сарфи декабрь, январда ўтади.

Қоратоғ дарёнинг иккинчи ирмоғи Оқжарой кичкина ва камсув дарёдир. Унинг сув майдони 38 квадрат километр, сув йиғилиш майдонининг ўртача баландлиги 1840 метр, ўртача кўп йиллик сув сарфи 0,60 м/сек, ўртача оқим модули эса 15,8 л/сек км 2 дан иборат. Ҳавзаси баланд бўлмаганлиги сабабли бу дарё қор-ёмғир сувларидан тўйинади, шунинг учун ҳам унда максимал сув сарфи ёмғир сероб бўлган ойларда /март, май ёки июнда/ ўтади.

Сурхондарёнинг гидрографик таърифи /-196 км:Г-13610 км²/ Сурхондарё таърифлаб ўтилган Тўполангдарё ва Қоратоғдарёнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. У Бойсун тоғлари билан Боботоғ оралиғидаги эни 30 км га яқин водийда оқади.

Сурхондарё водийси ён бағрларида бир неча терраса мавжуд бўлганлиги билан характерлидир. Дарёнинг ҳозирги вақтдаги қайиришини ҳам ҳисобга олганда, террасалар сони 5 тага етади улардан учтаси ҳамма жойда яққол кўринади, иккитаси эса билнар-билинмас, ҳатто айрим жойларда емирилиб бутунлай йўқ бўлиб кетган.

Қайир устидаги терраса бошдан-оёқ, айниқса дарёнинг юқори оқимида ботқоқлашиб кетган.

Юқори оқимда Сурхондарё бир нечта тармоққа ажралиб кетган. Эгри бугри ўзанда фақат тор бўлган жойлардагина якка ўзанда оқади.

Ўрта оқимда дарё кўпроқ якка ўзанда оқади. Дарё қўйи қисмига келганда узан яна қанча тармоқларга ажралиб кетади. Сурхондарёнинг узани ва унинг қирғоқлари қадимги юмшоқ жинслардан тузилган. Шунинг учун ҳам у доимо ўзгариб туради. Дарёнинг қўйи оқимида узан айниқса жуда тез ўзгариб туради, унинг қирғоқлари кўплаб ювилиб ва ўпирилиб тушади.

Узан янгидан-янги оролчалар саёз ва чуқур жойлар, янги тармоқлар ҳосил қилиб, "дайдиб" юради.

Сурхондарёнинг ўртача кўп йиллик сув сарфи унинг юқори оқимида Қоровултепа қишлоғи ёнида секундига 70,2 кубометрни ташкил этади. Қўйи оқимида-Мангузар қишлоғи орасида дарё сувининг бир қисми сугоришга сарф бўлади. Шунга қарамасдан, дарёнинг юқоридаги ва бу қишлоқлар ёнидаги сув сарфлари ўртасида фарқ жуда кам. Бунинг асосий сабаби шундаки, дарё сувининг сугоришга сарф бўлиши билан бир қаторда бу ерда дарёга анчагина гурунт сувлари келиб қўшилади. Сурхондарёнинг максимал сув сарфи унинг ўртача йиллик сув сарфига нисбатан жуда ҳам катта бўлиши мумкин. Масалан: Мангузар қишлоғи ёнида максимал сув сарфи секундига 700 кубометрни Қоровултепа ёнида эса секундига 600 кубометр бўлган.

СУРХОНДАРЁ ИРМОҚЛАРИ

Юқорида айтиб ўтилгандек, Сурхондарё иккита йирик ирмоққа эга. Улардан биринчи Сангардак, унинг сув йиғилиш майдони 889 квадрат километр, сув йиғилиш майдонининг ўртача баландлиги 2286 метр яъни Тўполангдарё ва Қоратоғ дарёларниқидан анча паст. Шунга кўра, Сангардак дарёсининг тўйинишида баланд тоғ қорларининг ҳиссаси жуда кам. Бу ҳол Тўполангдарё билан Қоратоғ дарёларниқига нисбатан Сангардак дарёси оқимининг йил ичида бошқачароқ тақсимланишига сабаб бўлади. Ҳақиқатдан ҳам, Сангардак дарёсида сув февраль ойида кўпая бошлайди, максимал сув сарфи /44,2 м²/сек/ ўрта ҳисобда май ойида ўтади, июндан бошлаб то ноябргача сув камаё боради, Ноябрь-Январь ойлари давомида сув секундига 4,38-4,04 кубометр орасида бўлади. Сангардак дарёсининг ўртача кўп йиллик сув сарфи секундига 15,1 кубометрга ўртача оқим модули эса 17, Ол/сек: км 2 га тенг. Сурхондарёнинг иккинчи йирик ирмоғи Хўжаипок дарёсидир. Бу дарёнинг сув йиғилиш майдони 794 квадрат километр бўлиб у анча паст

ўртача баландлиги 1968 метрдир. Шу сабабдан, Хўжаипок дарёсининг абсолют сув миқдори катта эмас: дарёнинг ўртача кўп йиллик сув сарфи атиги секундига 6,39 кубометр, ўртача оқим модули эса 8 л/сек, км² ни ташкил этади. Бундан ташқари, сув йиғилиш майдони баланд бўлмаганлигидан Хўжаипок дарёси қор-ёмғир сувларидан тўйинади ва ундан кучли селлар ҳам келиб туради.

Умуман шуни айтиш зарурки, Ўрта Осиёнинг кўпчилик дарё ҳавзаларида бўлганидек, Сурхондарё ҳавзаси баланд тоғларнинг ўрта ва айниқса пастки худудлари ҳамда этакларидан сув оладиган дарёларида тез-тез селлар бўлиб туради.

ШЕРОБОД ДАРЁ

Шерободдарё Амударёнинг охириги ирмоғидир. Бу дарё ҳавзаси Сурхондарё ва Қашқадарё ҳавзалари ўртасида, Бойсунтоғ ва унинг давоми бўлган Кўхитанг тоғларининг шарқий ён бағрида жойлашган.

Шерободдарё Ирғойли ва Қизилсой дарёларининг қўшилишдан ҳосил бўлади. Мачай қишлоғига қадар у Мачайдарё, Мачай қишлоғидан сўнг Шеробод шаҳригача Шерободдарё ва Шеробод шаҳридан қуйилиш жойига қадар Қорасувдарё деб аталади, дарёнинг умумий узунлиги 186 километрни ташкил этади.

Шерободдарёнинг сув йиғилиш майдони баланд эмас: унинг ўртача баландлиги 1495 метр, энг баланд жойи 3913 метр энг паст жойи эса 605 метрдир. 2000 метрдан баланд бўлган жойлар сув йиғилиш майдонинг 18,7 фоизини, 1500 метрдан баланд бўлган жойлар эса унинг 44,5 фоизни ташкил этади. Демак сув йиғиладиган майдоннинг 55,5 фоизи яъни ярмидан ҳам ортиқроқ қисмининг баландлиги 1500 метрга ҳам бормайди.

Шерободдарёсида бутун йил бўйи сув оқади, чунки бу дарёнинг сув йиғиладиган майдони паст бўлган билан у нисбатан катта /2950 км/ ва нам ҳаво массалари йилига қулай жойлашганлиги учун унга кўп ёғин ёғади.

Бироқ сув йиғиладиган майдони паст бўлганлиги туфайли Шерободдарёнинг оқиш модули жуда кичик, у атиги 2,55 л/сек, км² га тенг, лекин Атрек, Мурғоб ва Тажон дарёларининг оқим модулидан катта.

Шерободдарёда энг катта сув сарфи май ойига тўғри келади. Шу билан бирга июнь ойининг сув сарфи ҳам май ойиникидан кам фарқ қилади. Май ойининг ўртача сув сарфи секундига 20,6 кубометр бўлгани ҳолда, июль ойиники секундига 18,3 кубометрни ташкил этади.

Шерободдарёнинг тоғлардан чиқиш еридаги ўртача кўп йил-

лик сув сарфи секундига 7,5 га тенг. Дарё кам сув бўлганлигидан унинг қуйи оқимидаги экин майдонларининг кўп қисми каналлар орқали Сурхондарёдан келтирилган сувлар билан сугорилади. Шеробод водийсида жанубий Сурхон сув омборидан ҳам узунлиги 100 километр бўлган яна бир канал келтирилади.



Суратда: Амударёнинг утанжарсой атрофидаги кўриниши.

АМУДАРЁ

Амударё унинг шу номни олгунча қадар беш хил бошқача номда аталади. Денгиз сатҳидан 4950 метр баландликда Помир ва Ҳиндикуш тоғ тизмалари туташган Вревский музлигидан бошланадиган жойда у Важжир деб номланган. Тоғ ораликларида юзлаб километрга ўтгач, Қорақия дарёси билан қўшилиб, Воҳандарё деб ном олади. Помирнинг бешта шиддатли дарёси-Гунт, Вартанг, Язғулом, Ванч, Қизилсув ва Ҳиндикушнинг Кўкча дарёси келиб қуйилгач, Панж /тожикча "беш" маъносига/ деб аталади. Тоғ тизмаларидан тексликларга отилиб чиқиб, шимол томондан серсув Вахш ва Кофирнихон жанубида, Қундуздарё қуйилгандан кейингина, у Амударё деген ном олади. Бу ерда дарёнинг унқир-чўнқир туби текс бўлиб қолгач, пуртана оқими, ёйилиб секин оқа бошлайди. Амударёнинг бу номи эндиликда Туркменистоннинг катта ва гўзал, боғ роғларига бурканган шаҳри Чоржўйи ўрнида бўлган қадимги қишлоқ-Амул номидан олинган. Бу дарёни маҳаллий аҳоли Оқуз, қадимги юнонлар Оқсус, араблар Жайхун деб аташган. Амударёнинг сув йиғувчи умумий ҳавзаси сал кам ярим миллион квадрат километрга тенг бўлиб, унинг катта қисми-текисликларга, кичик бир қисми тоғ ҳудудларига тўғри келади. Бу маълумот ҳозирги Амударёга тегишли, қадимда эса унинг сув тўплай-

диган майдони янада каттароқ бўлган.

— Ўрта Осиёнинг бу улкан сув ҳавзаси кўлами жиҳатидан Фарбий Европадаги ўнлаб, давлатлар ҳудудига тенг келиб Турон пастекислигининг катта жанубий қисмини қамраб олган. Уни шарқдан улуғвор Помир, жанубий-шарқда Ҳиндикуш, жанубдан Копетог, шимолдан Тяньшань тизма тоғлари-ю, Қизилқум барханлари ўраб туради, ғарбда у Каспийга туташиб кетган.

Геологик адабиётларда бу сув ҳавзаси бир қатор йирик тектоник тизмалар: Афғон-Тоғжик, Амударё ва Мирғоб чўкмалари, Копетог олди, Жанубий Манг қишлоқ-Устюрт ҳудуди ва бир қатор кўтарма тизмалар Марказий Қорақум ва Қорабўғоз гумбазлиги, Туаркир баландлик ҳудуди Баҳордак моноклиникаси ва бошқалардан иборат бўлганлиги қайд этилади. Ҳавоза паст текислигининг жанубий-шарқий қисми сифатида маълум. Уларнинг умумий майдони эса миллион квадрат километрдан зиёдроқни ташкил этган.

Фарбга томон чўзилиб кетган Ўрта Осиёнинг бу улкан тоғ оралиги ботиқлик майдони мезозой ва кайназой эраларининг қалин чўкинди тоғ жинслари қатламлари билан тўлган бўлиб, мазкур пўстлоқнинг қалинлиги минг метрдан тортиб, 12-13 минг метргача /Кўлоб ҳудудида/ боради. Бу ётқириклар 230 миллион йил давомида шаклланиб келган

Мазкур улкан ҳавзасининг устки текислик юзасидан дунёдаги энг қадимий дарёлардан бири бўлмиш Аму оқади. Орадаги даврий танаффусларни ҳисобга олмаганда, бу дарё мезозой эрасининг /240-245 миллион йил аввал/ бошидан буён мавжуд. Даврий танаффуслар эса мезозойнинг баъзи асрларида ва полегоен даврида рўй берган. Бу даврларда дарё Тетис океани кенг қўлтигининг тубига чўкиб кетган. Юра даврида 190-200 миллион йил аввал Амударёнинг онаси қадимги Помир-Олай дарёси-Қизилсув бўлган. У бутун юра даврида ва бўр даврининг биринчи ярмида мавжуд бўлиб турган.

Бу ҳудуднинг Шарқда қадимги Қизилсув ва Фарход дарёлари кўшилиб, битта Панж дарёсини ҳосил қилган. Уларга ғарбдан қадимги Вахш, Кофирнихон, Сурхон, Шеробод, Қашқадарё ва бошқа юзлаб шимолий ва жанубий ирмоқлар қўшилган. Айнан ўша даврда валанжин асрида /135-140 миллион йил аввал/ ҳозирги Амударё ўз асосига эга бўлган: кейинчалик, готерия ва баррем асрларида /130-135 миллион йил аввал/ чўкинди йиғилишида континентал режим барқарор бўлиб турган шароитда Амударё яна ҳаракатга келган. Унинг қайта туғилиши консерватизм деб аталадиган принципга мувофиқ тарзда, яъни дарёнинг эски жойида, бир қават юқориқоқдаги қуриқлик шароитида чўкинди жинслар танасиде содир бўлган. Бу ҳолат қадимги ҳавза майдонининг ёшига тенг. Бироқ келиб чиқиши ва таркибига кўра турлича бўлган

чўкиндиларнинг жойлашиш ва ўзгариш хусусиятини кузатиш орқали аниқланган Амударёда ҳозирги ирмоқларнинг қадимги узанлари ўша олис геологик асрларда ҳам худди шундай субмеридионал ва шу кенглик йўналишларида оққан. Бунга юра, бўр, даврларига тенгдош бўлган, юзлаб километрга чўзилган дарё ўзанида ҳосил бўлган ғовак қумтош, чўкиндиларининг нисбатан тор йўлаклари ҳам гувоҳлик беради.

Қадимги Амударё узоқ геологик асрлар давомида пайдо бўлган миллион тонналаб чўкинди, "юк" ларни узун темир йўл таркиби каби жойдан жойга кўчириб олиб юрган.

Ўз фаолиятининг бошланғич пайти-илк юра даврида /190 миллион йил аввал/ қадимги Амударё ҳозирги Сурхондарё ботиғлиги ва Кофирнихон дарёси ҳавзаси ўрнида жойлашган, геологик адабиётларда биринчи бўлиб Термиз деб ном берган йирик кўлни чўкинди материаллар билан тўлдириб турган. Қадимги Амударё охириги ва тугаб, қайта пайдо бўлган даври олигоцен асрининг /30 миллион йил аввал/ охири ва неоген даврининг /25 миллион йил аввал/ бошланғич пайтларига тўғри келган.

Бу пайтларда Жанубий Тяньшань, Помир, Ҳиндиқуш ва Копедог тоғ тизмалари, аста-секин кўтарилиб, палеоген денгиз ғарбга чекинган ва Тетис океанининг қолдиқ сувлари Ўрта Осиё текисликларини батомом тарк этган.

Аввалига қадимги Амударё Қорақум орқали Хазар /ҳозирги Каспий/ денгизига қуйилган ва кейинчалик бурилиб Оролга оқа бошлаган.


Биз Амударё тўғрисида гапирар эканмиз, Сурхондарё ўлкасининг қадимги ўтмиши билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўзда тутаётимиз.

Амударё соҳили хўжалиги

Сурхондарё ўлкаси табиатига гўзаллик бахш этувчи Ўрта Осиёда энг катта дарёлардан бири Амударё ҳисобланади. Унинг сув ҳавзаси жуда кенг, улкан ҳажимдаги сувларни ташкил этади Амударё ўлкамиз худудида 120-140 километр масофада оқиб ўтади. Шу масофада деҳқончилик қилиш учун қулай шароитда ерларни сувлаш учун кўпчилик иншоотлар қурилмоқда ҳамда ҳайвонот оламининг кўпайишига яхши шароитлар туғилган. Юқорида айтилган масофада кўпгина қалин ўрмонлар, тўқайзорлар ҳайвонот оламини ўрганиш учун замин бўлмоқда. Шунингдек, ёввойи ҳайвонларни ўргатиш, уларнинг яшаш шароитини яхшилаш борасида бирмунча ишлар қилинмоқда. Ўлкамиз жанубида-Амударё ўнг қирғоғида бир неча километр масофа қалин ўрмонзорлар жойлашган. Амударёда тошқинлар бўлиб туради. Шу тошқинлар даврида паст баландликлар оралиғида катта-катта қўллар вужудга келган.

Бу кўлларнинг бир нечаси сув билан доимий равишда тўлиб туради. Бу эса тўқайлар барпо этган. Уларда паттазор, жийдазорлар ҳамда ҳар хил тўқай ўсимликлари мавжуд. Тўқайзорларнинг қалин жойларига кириб чиқиш жуда қийин. Амударё ўнг қирғоғидаги тўқайзорларда ҳайвонларнинг 25 тури, ёввойи қушларнинг 30 дан ортиқ турлари мавжуд. Тўқайлар улкан бойлик ҳисобланади, улар ҳавони ҳам тозалаб туради. Ўлкамиз тўқайлари қимматли бойликдир, уларни асраб-авайлаш ҳамда ёнгиндан сақлаш ҳар бир кишининг инсоний бурчидир.

СУРХОН ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАСИ




Суратда: Пайғамбар ороли қўриқхонасининг кўриниши.

Кўп йиллардан буён ташкил қилинган Сурхон давлат қўриқхонаси, асосан, Пайғамбар ороли, Амударё ҳамда Кўхитанг тоғи массивидаги 28 минг гектар ердан иборатдир. Пайғамбар ороли қўриқхонаси эса 3098 гектарни ташкил этади. Бу қўриқхоналарда ҳайвонлар ҳамда ёввойи қушларни сақлаш, уларни ўргатиш борасида бир қатор ишлар қилинмоқда. Амударёнинг ўнг қирғоғида табиий тўқайлар, қамишзорлар мавжуд. Тўқайларда ёввойи жийда ва бошқа хил ўсимликлар бор. Ярим чакалак ўрмонлар ва тўқайларда дала товушқонлари, ёввойи товуқлар, чиябури, бўрсиқ, ҳамда ёввойи чўчкалар, ҳар хил турдаги қушлар урчимоқда. Лочинларнинг икки тури, бўҳоро, буғиси ўрда ларнинг етти тури қишлаб кўпаймоқда.


ВИЛОЯТ ОВЧИЛИК КЎНГИЛЛИ СПОРТ ЖАМИЯТИ

Вилоят овчилик кўнгилли спорт жамиятига қарашли қўриқхоналарда ов мавсумини ўтказадиган жойларда, яъни Оқтепа, Жанубий Сурхон сув омборлари, Сангардак овчилик ҳудудларида ҳам ҳайвонларни ўргатиш ва кўпайтириш, уларнинг турларини сақлаб қолиш борасида бир қатор ишлар қилинмоқда.

Вилоят овчилик ва балиқчилик спорт жамиятининг Сариосиё районидаги Сангардак ов ҳўжалиги учун 80 минг гектар Сурхон сув омбори ҳудудидан 9,6 минг гектар, Термиз ва Жарқўрғон районларидан, Учқизил Уч қўл ва Оқтепа сув омборларида ва улар атрофларидан 6,5 минг гектар ер ажратиб берилган. Вилоят овчилик ва балиқчилик спорт жамиятининг овчилик ҳўжалиги умумий майдони 96100 гектарни ташкил этади.



Суратда: Оқтепа сув омборида Балиқчи кушлар тухум қўйиб кўпаяди.



Суратда: вилоят овчилик ва балиқчилик спорт жамиятининг раиси Тоҳир Арабов Оқтепа сув омбори овчилик хўжалиги кузатувчиси Александр Федин билан табиатни муҳофазга қилиш тўғрисида суҳбат ўтказмоқда.

ТЕРМИЗ ҲАЙВОНОТ БОҒИ

Термиз ҳайвонот боғи 1933 йилда вилоят ўлкани ўрганиш музейи қошида жонли бурчак сифатида ташкил этилган. Музей бурчагини биринчи марта Борис Николаевич Максимов ташкиллаштирган. Кейинчалик тирик бурчак кенгая бориб Жданов номли / ҳозирда "Дўстлик" / жамоа хўжалиги аъзоси Бобо Холиқовнинг 50 сотикдан иборат боғига кўчирилиб бу ерда кўп қурилишлар қилиниб, Термиз ҳайвонот боғи ташкил этилган Улуғ Ватан уруши йилларида Термиз ҳайвонот боғи вақтинча Тошкент ҳайвонот боғига кўчирилди. 1946 йилдан бошлаб яна Термизда тикланди. Унга Борис Николаевичнинг укаси Георгий Николаевич Максимов директор бўлиб ишлади.

Термиз ҳайвонот боғи Термиз шаҳрининг ғарбий-жанубий чегарасида барпо этилади. Кўп йиллар Термиз ҳайвонот боғи тараққий этади. Термиз ҳайвонот боғи 20 гектар майдондан иборат бўлади. Сурхондарёнинг чап қирғоғида ҳайвонларни боқиш учун

80 гектар ер ўзлаштирилиб, ҳайвонларга озуқа етиштириш учун ёрдамчи хўжалик ташкил этилган.

Термиз ҳайвонот боғида дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган ҳайвон ва паррандалар, даррандалар сақланмоқда ҳамда оби-ҳаво шароитида мослаштирилмоқда.

Ҳозирда Термиз ҳайвонот боғида ҳайвонлар синфларга бўлинган ҳолда парвариш қилинмоқда. Умуртқасизлар тури 5 та, улар сони 561 тани, балиқлар тури 52 та, сони 635 тани сувда ҳамда қуруқликда яшовчилар тури 3 та, сони 18 тани, судралиб юрувчилар тури 20 та сони 60 тани қўшлар тури 99 та, сони 322 тани, сўт эмизувчилар тури 84 та, сони 405 тани ташкил этади.

ВОҲА ТУПРОҒИ, ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ

Сурхондарё воҳаси республикамиз жанубида жойлашган бўлиб, шимол томондан Ҳисор тоғ тизмаси, шарқдан Боботоғ, шимолий-ғарбдан Бойсунтоғ тизмаси, ғарбдан Кўхитантоғ тизмалари билан ўралиб туради, жанубдаги чегараси эса Ўзбекистон билан Афғонистон орасида Амударё орқали ўтган давлат чегарасига тўғри келади.

Сурхондарё совуқ ҳаво массалари келадиган шимол томондан баланд тоғлар билан тўсилганлиги туфайли республикамизда энг иссиқ ва вегетация даври узоқ давом этадиган воҳадир.

Сурхондарёнинг иқлимى ва рельефига боғлиқ равишда тупроғи ҳам турли жойда турличадир. Текисликларда оч тусли бўз тупроқлар бўлиб унда 1-1,5 фоиз чиринди бор. 500-600 метргача баландликлар оддий бўз тупроқлар билан қопланган. Жанубий-ғарбий қисмида шўр босган бўз тупроқлар ва тақирлар учрайди. Жанубда қумли ва қумлоқ тупроқлар тарқалган.

Хўжайпок дарёсининг ёйиғлиқ конусларида ва Боботоғ ёнбағриларида, Денов ва Сариосиё атрофларида оддий бўз тупроқлар ривожланган. Оддий бўз тупроқлар Обизаранг, Тўполанг, Сангардак дарёларининг ёйилиқ конуслари, Кўхитанг тоғининг шимолий-ғарбий ёнбағирлари ва адирларида ҳам тарқалган.

Водийдаги ўтлоқ-ботқоқ тупроқлар Сурхондарё ва Амударё қайирларида учрайди. Бу тупроқлар таркибида органик моддалар кўп бўлганлигидан улар унумдордир.

Ўсимликлар жанубдан шимолга, яъни текисликдан тоғларга томон ўзгариб боради. Водийнинг энг иссиқ, энг қуруқ жойларида шувоқ, эфемерлардан ранг, илоқ, кўнғирбош, нухатак ва иссиққа ҳамда қурғоқчиликка мослашган бошқа ўтлар ўсади. Амударё қайирларида тўқайлар бор. Жанубдаги катта қум массивида жузгун бутаси кўп.

Сурхондарё воҳасида адирликлар ва тоғ ўтлоқлари кўп. Адирларда, асосан эфемер ўсимликлар ва шувоқ, коврак, кўзиқулоқ ўтлар ўсади, ундан юқорироқда, яъни Сангардак, Тўполанг ва бошқа дарёлар ҳавзаларида /1200 метрдан 4500 метргача бўлган баландликларда/ дарахтзор ва бутазорлар кенг тарқалган. Бу ерларда арча, заранг, хандон pista, ёнғоқ ва бошқа дарахтлар бор. Ундан ҳам юқорироқда тоғ ўтлоқлари кенг майдонлари эгаллаб ётади.

Шеробод дарёнинг юқори ва ўрта оқимларидаги тоғларда асосан эфемерлар-буғдойиқ, андиз, кийик ўти кўп. Боботоғ ўзининг хандон pistaзорлари билан шухрат қозонган. Тоғнинг Сурхондарёга қараган тамонлари эфемерлар ўсадиган қуруқ тоғ даштларидан иборат.

Сурхондарё воҳаси қуруқ субтропик иқлимли ўлка бўлганлигидан водийда анор, анжир, хурмо, шакарқамиш, цитрус ва бошқа иссиқсевар мевали дарахт ва экинлар етиштирилади.

Ҳайвонлардан бўри, тулки, кийик, Ҳиндистон майнаси, қалдирғоч, кемирувчилардан каламуш, қўшоёқ, юмронқозик, ҳайвонлардан олақузан, йўл-йўл сиртлон, чиябўри, дала товушқонлари мавжуд.

Тўқайларда бугу, тўқай мушуги, хонгул, тўнғиз, қирғовул, ўрдак, гозлар яшайди.

Илонларнинг турлари кўп: ўқ илон, Туркистон кобраси кўлвор илон Кўм илон шулар жумласидан, паррандалардан тасқара, чил, каклик, Йиртқич қушлардан бургут, Қиронқора, Лочинларнинг 7 тури чўл ва тоғ массивларида учрайди.

ЎЛКАМИЗ ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ



Қоплон. Қоплон Боботоғ ҳамда Ҳисор тоғларида яшайди. Боши берк тоғ дараларида, тик қияликларда, кам микдорда арча, тоғ пистаси, бодом дарахтлари билан қопланган қияликларда, қамиш, ёввойи тоқлар ўсадиган дарахтларда кун кечиради. Бундай дараларда сув ичгани келадиган морхўр ва тоғ қўйларини пойлаб ёта-

ди. Сув ичаётган пайтида човут солиб, қўлга олади. Бу туёқли ҳайвонлардан ташқари қуён, кемирувчи жонворлар, какликни ҳам тутиб, ейди. Шунингдек, тошбақа ва шунга ўхшаш майда жониворлардан ҳам тап тортмайди. Бугозлик даври 3-3,5 ой бўлиб, қалин ўрмон орасидаги ҳашак ва япроқлардан қилинган уясида 2-5 тагача бола туғади. Овчиликда унинг аҳамияти катта эмас. Уни чиройли териси ва ҳайвонот боғлари учун овлайдилар. Баъзи ерларда чорвачиликка зарар келтиради.

Қоплон "Ўзбекистоннинг Қизил китоби"га киритилган.

ИЛВИРС.. Тоғ минтақаларида яшайдиган қор қоплони Ҳисор тизмаларидагина сақланиб қолган. Қишда эса у кам қорли минтақаларга, яъни пастки жилғаларга тушиб келади. Илвирс эчкилардан ташқари ёввойи чўчка, қуён, кемирувчи жониворлар, какликларни ҳам тутиб, ейди.

Илвирсни овлаш қатиян ман қилинади.

Илвирс Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га киритилган.

ҚОРАҚУЛОҚ. Қорақулоқ Сурхондарё воҳасининг Амударё бўйларида қалин ўрмонларида яшайди. Ҳозирда қорақулоқ жуда камдан-кам учрайди. У асосан қуён ҳамда кемирувчи жонворлар билан овқатланади.

Қорақулоқни тутиш, ётиш умуман ман қилинади.



ЖАЙРОН. Қадим-қадимдан Шарқ шеъриятида гўзаллик рамзи сифатида тасвирлачган оху-жайроннинг кўзлари, қадди-қома-

ти кишини қувонтиради.

Жайрон Жанубий Қозоғистонда, Ўрта Осиё тексликларида, Каспий денгизи соҳилларидан тортиб то Зайсан кўлигача, Шарқий кавказорти Кичик Осиё, Сурия, Ироқ, Эрон, Афғонистон ва Фарбий Монголияда тарқалган типик чўл ҳайвонларидан биридир.

Жайрон Озарбайжон, Туркменистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон Республикалари чўл ва даштларида учрайди. Ўтган аср ва ҳозирги асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон текисликларида Устюрт паст тексликларида Қизилқум, Мирзачўл ва Далварзин чўлларида, Фарғона водийсининг тоғ этакларида, Қарши даштида ва Сурхондарё водийсида жайронларни кўплаб кўриш мумкин эди. Ҳозирги вақтда эса жайрон фақат Сурхондарё воҳасида, Қарши даштининг тоғ этакларидагина бирмунча сақланиб қолган.

Жайронлар воҳамизда 1985 йилларга қадар кўплаб учраб турар эди. Ҳозирда эса жайронлар хавф-хатардан қутулиш учун яшашга қулай тексликларни ташлаб, тоғ дараларига ва адирларнинг ўсимликка бой жойларига кўчиб ўтган. Бу нодир ҳайвон шўра ўсадиган, баъзан қумли жойларда, шунингдек тоғ этакларидаги гил тупроқли чўлларда яшайди.

Жайронлар жазирама ёзда эрталаб ва кечқурунлари, баъзида эса кечаси ўтлайди. Қундузи қумтепаликларнинг соя томонлари ёки саксовул ва ҳар хил буталар соясида дам олиб ётади. Жайрон баҳорда галлагул, кўнғирбош ва ҳар хил серсув ўсимликлар билан озикланади.

Ёзда ўтлар қовжираб қуриб кетганда, галла гулларнинг қуриганининг шувоқ, шўра, қуйруқ, кийик ўт, эрман, буюргун, янтоқ каби ўсимликларни еб кун кечиради.

Қишда эса чўллардаги буталарнинг, хусусан, саксовул, кандим, қумда ўсадиган акация ўсимликларининг меваси, барги ва новдаларини ейди. Бу озукалар қор, ёмғир ёққанда, шунингдек, шудринг тушгандан кейин, айниқса емишли ва тўймли бўлади.

Жайронлар баҳорда серсув ўт еганда узоқ вақт сўвсизликка чидайди. Ёзда ўтлар қовжираб қолгандан кейин ўн қақиримлаб йўл босиб, турнақатор бўлиб, сув ичгани боришади. Қош қорайғач, сув бўйида туни билан ором олиб ётишади. Сув тополмай қолганларида, шўр сувни ҳам ичишаверади. Жайронлар пода-пода бўлиб яшайди. Урчиш вақтида ҳар бир подада 3-5 тадан жайрон, шундан биттаси эркак бўлади. Одатда эркаги катта болаларни онасидан ажратиб, ҳайдаб юборади. Жайрон кеч кузда урчий бошлайди. Апрель май ойларида бир-иккита бола туғади. Бола туғиш учун ургочиси бирор пана жойдан чиқмайди. Ёш жайронга бир ҳафта-ларда анчагина кучли ва сезгир бўлиб қолади. Бир ойлар деганда ўт ейишга киришади. 7-8 ойларда жуссаси ота-онасига барабар-лашади. Жайрон боласи кузда сутдан чиқади, иккинчи йили жин-

сий вояга етади.

Жайронлар Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га киририлган. Табиатда жайронларнинг душманлари кўп. Айниқса ёш болаларига бўри, тулки, ёввойи мушук, йиртқич қушлар тез-тез хужум қилиб туради.

Лекин энг хавфли душман саёқ овчилардир.



БУХОР БУГУСИ. Бухор бугуси Ўзбекистон ҳудудидаги бугуларнинг ягона туридир. Асл зотли бухор бугуси хонгулнинг эркагида сербутоқ ва ҳар йили тушиб турадиган шохлар бўлади. У март ойининг охирларида ўзининг эски шохини ташлайди. Биринчи кундан бошлаб ўрнига янгиси ўсиб чиқа бошлайди. Янги шохлари юмшоқ ўсимтага ўхшаб, устки томонидан панта деб аталмиш бахмалсимон тери билан қопланган бўлади. Панта тиббиётда ишлатилади. Ундан пантокрин деган дори тайёрланади. Урчиш вақтида сентябрь ойида шохидаги жунлари тўкилиб, қотиб, суякка айланади. Шох ташлаган эркак бугу ҳолсизланиб, ётоқчилади, иштаҳаси йўқолади. Бу ҳол бир ой давом этади, ҳар йили шох алмашгандан кейин ундаги бутуқлар сони кўпая боради.

Бухор бугусининг эркаклари кўпинча ургочиларидан алоҳида бўлиб яшашни яхши кўради. Лекин урчиш вақтида ургочиларига қўшилиб пода бўлиб юради. Улар асосан куннинг салқин пайтларида овқатланиб иссиқ пайтларда салқин жойларда дам олишни хуш кўришади. Бухор бугуси йил фаслига қараб, овқат ахтариб яйловдан яйловга кўчиб юради. Унинг асосий озуқаси ҳар хил ўтлар, дарахтларнинг барги, ёш новдалари ва буталардан иб-

рат.

Ургочи бугулар 2 ёшдан ошгандан кейин, эркаклари эса 4 ёшдан кейин вояга етади. Сентябрь ойининг ўрталарида ва октябрнинг бошларида вояга етган эркак ва ургочи бугу кўшилади. Она бугунинг буғозлик даври 8 ой давом этиб, май ойининг бошларида тугади. У боласини 4-5 ой давомида эмизади.

Бухор бугуси ўлкамизнинг Пайгамбар оролида ҳамда Амударёда қирғоқларидаги тўқайзорларда сақланиб қолган.

Чиябўри, тўқай мушуги ва айиқлар бухор бугусининг асосий душманидир. Улар кўпинча бугу болаларига ва кекса бугуга катта зарар келтиришади.

МОРХЎР. Морхўр Ҳиндистоннинг шимолий ва шимолий-ғарбий қисимларида, Белужистон /Покистон/, Афғонистон ва Осиёнинг жанубий-шарқий қисимларида яшайди.

Ўзбекистонда бу эчкининг бухор кенжа тури мавжуд. Морхўр ўлкамизда Боботоғнинг ғарбий ён бағри, Бойсунтоғ ҳамда Кўҳитанг тоғининг шарқий ён бағрларида яшайди. Дара ичкариларида, тик жарликлар ёқаларида, сувга яқин, онда-сонда бута ва арча дарахтлари ўсадиган тўқай ва чўл ўтлоқларида кун кечиради.

Морхўр геологик жиҳатдан ҳисоблаганда, яқиндагина мезолит даврининг охирироғида Афғонистондан ўтиб, тез орада Ҳисор тоғ тизмаларининг жанубий ён бағрларида тарқалиб кетган. Инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида бу ҳайвон бошқа жойларга ҳам тарқалган. Лекин Ҳисор тоғининг шимолий ён бағирлари, Туркистон ва Нурота тоғ тизмалари ҳам экологик жиҳатдан морхўр ҳаёти учун қулай бўлганлигидан уни шу жойларга кўпайтириш имконияти мавжуд.



БУХОР ТОҒ КЎЙИ. Ўрта Осиё тоғларининг жанубий-ғарбий қисмларида яшайди. Тожикистоннинг шарқ томонидан Дарвоза-

гача, шимол томонидан эса Зарафшон тоғ тизмаларигача тарқалган. Ўлкамизда Боботоғнинг ғарбий ёнбағриларида, Бойсун тоғда, Ҳисор тоғ тизмаларида Кўхитанг тоғининг ғарбий ва шарқий ёнбағирларида ҳаёт кечиради. Кейинги йилларда ноқонуний ов қилишлар натижасида бухор тоғ кўйи анча камайиб қолган. Бу жонивор Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га ёзилган.



ТЯНЬШАН ОҚ ТИРНОҚЛИ АЙИҒИ. Тяньшан оқ тирноқли айиғи Евросиё ва Шимолий Американинг ўрмон ҳудудларида ва ўрмон чўл ҳудудларида, Осиёнинг тоғли ўрмонзорларидан тортиб, Ҳимолай, Ўрта Осиё ва Кавказ тоғларигача, Африканинг Атлас тоғларигача тарқалиб борган.

Тяньшан оқ тирноқли айиқнинг оч кўнғир тусдагиси яшайди. У Ўрта Осиёнинг шарқий ярмидаги тоғларда-Помир-Олай тоғлари ўртасида, Тяньшаннинг Хитойга қарашли қисмида, ғарбий Ҳимолайда ҳамда Афғонистон тоғларида тарқалган. Ўзбекистонда Угам, Пском, Чотқол, Туркистон ва воҳамизнинг Ҳисор тоғ тизмалари ўрмонзорларида яшайди.

Бу йиртқич ҳайвон ўтлар, альп гречихаси, равоч, себарга, лола пиёзи ва ёввойи пиёз боши, ёввойи дарахт ва буталар ҳамда дарахт мевалари ва бошқа яйлов ўтлари билан озиқланади. Айрим пайтларда сугур, куён ва бошқа майда ҳайвонларни тутиб ейди, чумолини ва бошқа ҳашоратларнинг ғумбаклари билан ҳам овқатланади. Хонаки ҳайвонларга ниҳоятда кам човут қилади.



ЙЎЛ-ЙЎЛ СИРТЛОН. Сиртлоннинг бу тури Африканинг шимол-ярмидаги очик қургўқчил кенгликларда Олд Осиёда, Ҳиндистонда, Кавказда, Ўрта Осиёнинг шимолӣ қисмида кун кечи-ради.

Йўл-йўл сиртлон Сурхондарё воҳасида Боботоғнинг жанубий ва Шарқий қияликларида, Ҳисор ва Кўхитанг тоғларида яшаб келган. Амударё соҳилларида-Термизга яқин жойларда ҳамда Шеробод дарёсининг қуйи оқими соҳилларида ҳам учраб турар эди. Яқин-да бир овчи Термиз ҳайвонот боғига сиртлоннинг урғочи боласи-ни Боботоғдан тутиб олиб келиб топширганди. Ҳозирда сиртлон боласи парвариш қилинмоқда. Бундан ташқари бошқа бир овчи сиртлоннинг бир жуфтини Сурхондарё соҳилининг ўнг қирғоғи жарликларида 1994 йилда кўрган шунингдек вилоят овчилик хўжалиги қоровули Қумқўрғон тумани ҳудудида дарё соҳилда ҳам сиртлон учратган.

Сиртлон ёввойи қўй, жайрон, ёввойи чўчқаларни, уй ҳайвонларидан қўй, бузоқ, отларни ейиши маълум. Сиртлон лекин у кўпинча бу ҳайвонларнинг мурдаси билан овқатланади. Сиртлон доимо тошбақа, калтакесак ва бошқа судралиб юрувчи жониворларни тутиб ейди. Бошқа нарсаларга қўшиб чигиртка лох дарахтининг меваси /жийда/, тарвуз, қовун ҳам ейди. Гоҳо хонаки молларга човут қилади.

Бизнинг давримизда сиртлоннинг одамга ташланган пайти бўлмаган. Лекин эски маълумотларга қараганда, Кавказда болаларни олиб кетиш ҳоллари ҳам бўлган, уйкудаги кишиларга ҳам ташланган.

Сиртлоннинг жуни дағал, сийрак, мўйна олиш мақсадида ўлдирилмайди.

ДАЛА МУШУГИ. Бу мушук-асосан текис бўшлиқларда, Марказий, Ўрта ва олд Осиёнинг паст тоғлари, чўли ва даштларида тарқалган.


Ўзбекистонда Закаспий мушуги деб аталадиган кенжа тури учрайди. Дала мушуги воҳамизда баланд, бўш текисликларда, табиий ҳолатини сақлаб қолган бўлакча тексликларда, чангли ерларда яшайди. Аксарият кемирувчи жонворлар, кам ҳолларда қуён ва қушлар билан овқатланади.

Дала мушугининг мўйнаси чиройли ва мустаҳкам бўлишига қарамай, у кам миқдорда ов қилиниб келган. Бу бошқа ҳайвонларга асло ўхшамайдиган, ўзига хос ҳайвон фан нуқтаи назаридан ҳамда табиат ёдгорлиги сифатида қимматли жонивор ҳисобланади.


ЎРТА ОСИЁ КУНДУЗИ. Мазкур турдаги ҳайвон Евросиё қитъаси ва Шимолий-ғарбий Африкада тарқалган. Ўрта Осиё кундузи Шарқий Эрон /Сеистон/, Афғонистон, Ўрта Осиё ва жанубий Қозоғистоннинг сув ҳавзаларида яшайди. Улкамизда сурхондарё ҳавзаларида /Тўполанг ва Сангардак ирмоқларида/ Амударёнинг Боботоғдан, Кўхитанггача жойлашган қирғоқларида ҳаёт кечиради. Шерободарё қисмида ва бошланиш ирмоқларида сақланиб қолган. У аксарият балиқ билан овқатланади, умуман олганда балиқчиликка айтарли зарар етказмайди.

Кундуз мўйнаси ниҳоятда чиройли ва чидамли ҳисобланади, шунинг учун ҳам инсоният унга ўч бўлади. Бу унинг кўплаб қирилиб кетишига сабаб бўлади. Кундуз анча камайиб кетган, айрим жойларда озми-кўпми учрайди.

БҮРИ. Бўри Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг сахро ва чўлларда, воҳамизда эса чўллар, адирлар, паст-текисликлар тоғ олди баландликларида яшайди. Улар тўда-тўда бўлиб, қуйиқиш пайитларида кўпчилликни ташкил қилади. Якка ҳолларда ҳам кўпроқ овқат излаб юради. Турли нарсалар билан овқатланади, кемирувчилар, айниқса қуёнларни кўп ейди. Жайронларни овлайди, уй ҳайвонларига айниқса қўй, эчкиларга ҳужум қилади, қуш, калтакесак, тут ва жийда меваси, қовун-тарвузларни ҳам еяверади. Ўлимтикларни ейишдан ҳам қайтмайди. Қиш даврида қўйиқиб, шу вақтларда бир неча эркаги бир урғочисининг ортидан юради. Урғочиси бир эр-




ЛОЧИН. Дашт лочини-бу турдаги қушнинг сони оз бўлишидан қатъий назар, янада камайиб бормоқда. Лочин Сурхондарё воҳасининг Ҳисор тоғ тизмасида ҳамда Кўхитанг тоғи ён бағирлари, баланд чўққиларида қишлов учун ин қўяди. Шунингдек, бир неча инларда такроран яшайди, улар доимий жуфтлашиб, ҳар йили биттадан бештагача тухум қўяди. Дашт лочини асосан учиб кетаётган қушларни: чил, каптар, қалдирғоч, ва чумчуқлар оиласига кирадиган турли қушларни овлайди..




ТҮХТАТУВАЛОҚ. Тўхтатувалоқ Сурхондарё воҳасининг чўл худудларида кам ҳолда учрайди. Соз, шағал тупроқли майдонларда, ўтириб қолган қумлоқ, шўрхоқ ва қир ерларида кун кечиради. Сентябрь-октябрь ойларида қишлашга учиб кетади. Март ойларида яна қайтиб келади. Баъзан қишлаб ҳам қолади. 15 тагача галалашиб учadi, кўпайиш вақтида жуфт-жуфт бўлиб юради. Бу қуш кўкламда ўтлар, ўт пиёзлари билан, ёзда чигиртка, кўнғиз, чумоли ва бошқа жониворлар билан овқатланади калтакесакни ҳам тутиб ейди.

Тўхтатувалоқ чўл минтақаларида кўпайиш учун ерда 4-8 тагача тухум қўяди.



ҚОРА ЛАЙЛАК. Қора лайлак Ўзбекистоннинг ҳамма тоғларида учрайди, у одамларга ишончсизлик билан қарайди. Шу сабабли уни учратиш қийин, уяларини воҳамиз тоғ қояларида қуради. 2-5 тадан тухум қўяди.

Бу қуш саёз сувларда яшовчи майда балиқлар билан овқатланади. Қора лайлак анча чиройли қуш бўлиб, Ҳисор тоғларининг чўққиларига жон киритиб туради.




ЖАЖЖИ ОҚҚУШ. Оққуш ёки тундра оққуши деб аталадиган бу жонивор Евроосиёнинг тундра зонасида уя қуриб, яшайди. Ўзбекистонда Сирдарё водийсининг Мирзачўл қисмида қишлаганли-

ги бизга маълум. Учиб ўтатуриб, баъзан Орол денгизига қўниб ўтади. Жажжи оққуш чийилдоқ оққушга ўхшайди, лекин ундан кичкинароқ бўлади: тумшуги қора, унинг асос қисмида сариқ доғи бор. Чийилдоқ оққушнинг эса тумшуги сариқ бўлиб, фақат уч қисми қора бўлади.

Жажжи оққуш камёб жонивор бўлганлиги ва уни ов қилиш бефойдалиги туфайли табиат ёдгорлиги сифатида ҳимоя қилиш лозим.

Сурхондарё воҳасида ноябрь ойининг 20-кунларида яъни 1995 йил Учқизил сув омборида 6 таси, Жанубий Сурхон сув омборида 12 таси сузиб юргани кузатилади. Бу қушлар эҳтимол қишлаш учун келганлар.


Уларни муҳофаза қилиш чоралири қурилмоқда.



ХИТОЙ ҒОЗИ. Хитой ғози Осиёнинг шарқий жанубий қисмида, жанубий Сибир, Шарқий Қозоғистонда тарқалган. У шарқи-жанубий Хитойда, Япониянинг жанубий қисмида қишлайди. Ўрта Осиёга бошқа жойларда қишлашга учиб кетаётганда қўниб ўтади. Бунда улар воҳамизнинг дарё қирғоқларида ва саёз қўлларида дам олишади. Кўк ўт ва уларнинг уруғлари билан овқатланади. Хитой ғози ноябрь ойидан бошлаб то декабрь ойининг охиригача ўлкамизда ҳаёт кечиради, баъзан қиш қаттиқ бўлмаса, қишловга ҳам қолаверади.



КИЗИЛ ЎРДАК ЁКИ АТАЙКА /АНГИРАТ/. Марказий Осиёдан тортиб Испания ва Шимолий Африкагача, Шарқда Манчжурия, Хитой ва Япониягача, Жанубий Бирма ва Ҳиндистонгача кенг тарқалган. Ўлкамизнинг текислик ва баланд тоғ кўлларининг қирғоқларида ҳам жуфт бўлиб яшайди. Баъзи вақтларда уя қўяди, кўпаяди.



СУРАЛАЙ ҲОЗ /пеганка/. Шимолий Англия ороллари ва Скандинавия ярим оролларида Япониягача, Жанубда Ўрта ер денги-

зидан Тибет, Мўғулистон ва Шимолий Хитойгача, асосан шу кўлларда айрим тўдалари учрайди. Жанубий Украинадан Уссурия областигача бўлган чўл минтақасида. Кавказ ва Ўрта Осиёда уялайди. Бизнинг ўлкамизда ҳам кўп ҳолларда уя қўйиб кўпаяди.

Суралай гоз ҳашоратлар, шиллиқ қуртлар, сув ўсимликлари, ўсимлик уруғлари билан озиқланади. Жуфт-жуфт бўлиб яшайди. Уясини инларга, кўпинча тулки инларига қўйиб, унинг ичига пар тўшайди ва 7-12 дона тухум қўяди. Пати ва пари учун овланади.



ҚИЗИЛ БЎЙИН ЎРДАК. Европа, Осиё, Шимолий Африка ва Шимолий Америкада кенг тарқалган. Ўлкамизда атрофлари ботқоқ ва бута ўсимликлари билан қопланган сув ҳавзаларида яшайди. Ўсимлик ва майда ҳашоратлар: қуртлар, қисқичбақа ва балиқлар билан овқатланади. Қамишзорлар орасига, ёғоч ковакларига уя ясаб, ичига ўз парларини тўшайди ва 8-16 та тухум қўяди. Тухумни босиб чиқариш муддати 26 кун давом этади.

Қизил бўйин ўрдак уй ўрдакларининг аждодидир. У ўзининг гўшти, пати ва пари билан муҳим ов қушларидан биридир.

СУКСУР. Суксур Европа, Осиё ва Шимолий Америкада учрайди. Бизда кўл ва дарё бўйларига яшайди. Гўшти, пари ва пати учун овланади.

ЧУРРАК. Чуррак-Европа ва Осиёнинг Ўрта қисмларида кенг тарқалган. Қишда эса Ҳиндистон ва Африкада қишлайди. Баъзан бизда ҳам қолиб қишни ўтказди.


КИЗИЛБОШ ВА ОККУЗ ЎРДАК. Қизилбош ва оққуз ўрдак кенг тарқалган. Бизда кўл ва дарё бўйларида яшайди. Қиш пайтида Африка, Ҳиндистон ва Хитой томонларга учиб кетади. Баъзан қишловни ҳам шу ерларда ўтказади.

Гўшти, пати ва пари учун овланади.

ОҚ ЛАЙЛАК. Оқ лайлак-Шимолий Африка ва Фарбий Европада учрайди. Ўлкамизда оқ лайлақлар уясини дарахт ва миноралар тепасига қуради. Қишдан кўркмайди, ҳашоратлар, қурбақалар, балиқлар билан овқатланади. Баъзан илонларни ҳам еяверади. Жуфт-жуфт бўлиб яшайди, уясини ургочиси ясайди, чўп хасларни ҳар иккаласи тўплайди. Апрельда 4-5 та тухум қўйиб, уни фақат ургочиси босади. Тухум босиш муддати 30 кун.

Лайлак қишда иссиқ ўлкаларга учиб кетиб, келгуси йили яна ўзининг эски уясига қайтиб келади. Лайлак қишининг фойдали йўлдошидир. Зарарли кемирувчилар ва ҳашоратларни йўқотиш билан кўп фойда келтиради.

ОҚ КЎТОН ва КЎК КЎТОН. Бу қушлар дарё қирғоқлари, қамишзорлар, кўллар, атрофларида кўплаб учрайди. Кўтонлар майда кемирувчилар, илонлар, қурбақалар, балиқлар ва турли умиртқасиз ҳайвонлар билан овқатланади. Тўдалашиб уялайди. Уясини дарахт бошига ёки қамишзорларга қуриб, 3-5 донга тухум қўяди. Баҳорга тўлашдан кейин кўтонларнинг елкасида чиройли пат пайдо бўлади. Кўтонлар 1970 йилларга қадар ўлкамизда жуда камдан кам учура эди. Ҳозирги пайтда уларни кўплаб қузатиш мумкин.



БЕДАНА. Бедана-Африка, Европа ва Осиёда кенг тарқалган. Ўзининг ўлкамизда чўл ҳудудлар, далалар, ўтлоқларда яшайди. У

ернинг чуқурчаларига ин қўяди ва 14 тагача тухум қўйиб, жўжаларини очгандан кейин худди уй товукларига ўхшаб эргаштириб юради.

Уни қафасда сақлаш, сайратиш ва гўшти учун овлашади.



КАКЛИК. Каклик-Европа ва Ўрта Осиёда тоғларда, арчазорларда яшайди. Ўлкамизда какликлар Кўхитанг тоғ, Ҳисор тоғи, Боботоғ ҳамда Бойсун тоғларида кўплаб учрайди. Улар тўда-тўда бўлиб, ҳашоратлар, ўсимликлар уруғлари ва мевалари билан овқатланади. Жинсий қўшилиш вақтида жуфт-жуфт бўлиб олади-лар. Эркаги тошлар остида ўтлар орасида ҳаслардан уя ясайди. Бир мавсумда 8-14 тухум қўяди. Жўжаларини бошлаб олиб юради.

ХИЛОЛ-ТОҒ КУРКАСИ. Ўлкамизда ҳиллоллар 4000-4500 метр келадиган баланд тоғ чўққиларида яшайди. Тоғ куркаси маҳаллий тилда ҳиллол деб юритилади. Рус тилида улар деб номланган. Ҳиллоллар Ҳисор тоғ чўққиларида ҳамда Бойсун тоғининг баланд чўққиларида қорлар босиб ётган жойларда кун кечиради. Бу баландликлардан қиш қаттиқ келиб, ҳамма тоғ чўққиларининг қор босгандагина 3000-3500 метр пастроқда тушиши мумкин. У шундай тоғ баландликларда, қоя тошлар оралиғида, қирра, тик чўққи-

ларда озикланиб юради. Бу кушлар оиласи билан 10-20 та бўлиб яшайди. Уларнинг кўпайиш даври 15 майлардан бошланади. Уясини юмшоқ хас ва патлардан ясайди. Мокиёни 5-6 тухум қўйиб, тухумга ўтиради. Хўрози эса уя атрофидан узоклашмасдан юради. Куркаларнинг овқати майда ҳашоратлар, ўтлар уруғларини дарахтлар меваларидир. Ҳиллолар ҳозирда жуда камдан-кам учрамоқда. Ноқонуий ов қилиш эвазига камайиб бормоқда. Бу куш табиат дурдонаси бўлиб ҳисобланади. Улар қўриқлашга муҳтож бўлиб қолган.

ҚИРГОВУЛ. Қирговул Болқон, Туркия, Эрон, Кавказ Ўрта Осиёда ва Шарқда Хитой Манчжурия ва Японияда тарқалган. Турли ерларда яшовчи қирговул эркагининг рангги турлича бўлади. Шунга қараб, қирговулнинг бир неча хиллари бор. Қирговул ўлкамизда чакалакзорлар, дарё ва кўллар, ўрмонлар атрофида кенг тарқалган. Булар жийда меваси, тиканак ўсимликлар уруғи ва ҳашоратлар билан овқатланади. Бир йилда бир марта тухумдан бола очади. Уясини бута ўсимликлари орасига, чуқурчаларга қўйиб, ичига бироз юмшоқ хас ва пат тўшайди. Бир мавсумда 10-18, баъзан 20 гача тухум қўяди. Жўжаси тухумдан 25-26 кундан сўнг чиқиб, онаси ортидан эргашиб кетади.

Қирговул чиройли ва анча йирикдир: хўрознинг тўши, жиглдони ва ўти бинафша тусда, ялтироқ. Тўшининг ўртаси қизил бўлади. Мокиёни, асосан қум рангли, қўнғир кўкраклари бор, жиглдони ва танасининг юқори қисми бир оз сарғиш-жигаранг тусда товланиб туради. Тумшуги оч пушти, оёқлари оч қўнғир рангда. Хўрозининг вазни икки килограмм атрофида, мокиёни кичикроқ бўлади.

Қирговултовуқ-хўрозларга ўхшаб эрта сахарда уйғонади ва тонг отгунча қадар озикланади. Кечқурун ҳам фаол бўлади.

Қирговул ови завқлидир. Бироқ уни тартибсиз овлаш ва яшаш жойларни бузиш натижасида баъзи ерларда бу куш жуда камайиб кетди. Қирговул овлаш қонунига қатъий риоя қилиш ва уни қонунсиз овлашга йўл қўймаслик керак. Ов хўжалигида бу парандани кўпайтириш зарур.

БУРГУТ. Бургут Европа, Осиё ва Шимолий Американинг ўрмон минтақалари ва тоғларда кенг тарқалган. Ўрта Осиёда унинг биридан кам фарқ қиладиган иккита кенжа тури яшайди. Уларнинг биттаси тоғда, иккинчиси дашт ерларда учрайди. Бургут жуфт-жуфт бўлиб, ўтроқ ҳаёт кечиради. Лекин уларнинг сони бизнинг ўлкамизда ҳам анча камайиб қолган. Воҳамизда яшайдиган тоғ бургути чиқиши қийин бўлган қояларда, дашт бургути эса теваарак атрофини қуриган шохчалар билан ўраб ташлаган ҳолда саксовул ва бошқа дарахтлар учига уя солади. Йилига битта-икки-

та тухум қўйиб бола очади.

Бургутлар фаол ҳаёт кечирадиган йиртқич қуш ҳисобланади. Улар жайрон, сайғоқ, эчки, ёввойи қўй ёки архар болаларини тутиб, ейиши ҳам мумкин. Тулки, суғур, қуён, каклик ва бошқалар унинг сеvimли ўлжасидир. Дашт ерларда кемирувчилар ва дала тошбақалари бургутнинг асосий овқати ҳисобланади. Бургутлар подадан қолиб кетган улоқ ва қўзиларни ҳам тутиб еган ҳоллар бўлган. Бургут қўлга яхши ўрганади, шунинг учун ҳам айрим қушларни ов қилишда ундан фойдаланилади.



ҚУМОЙ. Бу қуш Тибет, Ҳимолай, Помир тоғларида ва Тяньшаннинг баланд чўққиларида тарқалган. Денгиз сатҳидан 2000-2500 метр баландликда ўтроқ ҳаёт кечиради. Қоя қирраларига, ёриқ ва

камар, умуман етиб бўлмайдиган жойларга уя солади. Атиги битта тухум қўяди.

-Қумойни Ҳисор тоғининг чўққиларида учратиш мумкин. У паранда оламида энг йирик ва йиртқич куш ҳисобланади. Қанотлари ёйилганда, уч метр келади, оғирлиги эса 10-11 килограммга етади. У кўпинча мурдалар билан овқатланади, овчилик ва чорвачилик хўжаликлари учун ҳеч қандай зарар келтирмайди.


Қияларга жон киритиб турадиган бу куш эрмак учун ов қилиниши натижасида камайиб кетди. Ўлкамизга учиб келган намуналари, айниқса топилган уялари эҳтиёткорлик билан муҳофаза қилиниши лозим.



КИРОНҚОРА. Бу куш жанубий-шарқий Европа, Кавказорти, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Олтой, Саяна, Забайкальеда яшайди. Қишлоқ учун Мисирга, Олд Осиёга, Ҳиндистон ва Хитой томонларга учиб кетади.

Ўзбекистонда воҳамизда Амадарё водийсига уя солиши маълум. Қишда эса учиб, паст текисликларга қўниб ўтади. Инларни очиқ текисликлардаги дарахтлар устига солади. Ҳар гал биттадан учтагача тухум қўяди. Қиронқора кемирувчилар, қуён билан озикланади, баъзан қарсақ ва тулқиларни тутиб олади. Паррандалардан чумчуқ, каклик, балиқчи қуш, ўрдак, онда-сонда қирғовулларни тутиб ейди. Судралиб юрувчи жонворлар ва ҳашоратлардан ҳам қайтмайди.

Бу йиртқич қушнинг сони анча камайиб кетган, шунинг учун ҳам уларнинг ондатра етиштириш билан шуғулланадиган хўжаликларга етказадиган зарари сезиларли эмас.



ИТОЛФИ. Бу қуш Евросиё мамлакатларининг Дунай дарёсидан тортиб, то шарқдаги Хингангача, жанубда эса тропик ҳудуд-

ларгача бўлган чўл, дашт, ўрмонзор, чўл ва тоғли жойларда яшайди. Улар жанубда уя қурган жойларида яшайди, бир қисми эса қишлоқ учун Хиндистон, Олд Осиё ва Шимолий Америкага учиб кетади.

Ўрта Осиёда жумладан, Сурхондарё воҳасида Туркистон итолғиси деб аталадиган кенжа тури яшайди. Итолғи Ҳисор тоғ тизмаларида. Боботоғ ва Кўхитанг тоғларида учрайди. Ўтроқ ҳаёт кечиради. жуфт-жуфт бўлиб яшайди, учта олтитадан тухум қўяди, уяларни тик қоя жар ёқаларида куради. Асосан кемирувчи жонворлар билан овқатланади, айрим пайтларда қушларни ҳам тутиб ейди.


ТУРАШ. Маҳаллий тил билан айтганда қорабовур деб ҳам юртига элдиган турашлар, айниқса 1980 йилларга қадар ўлкамиз чўл ҳудудларида октябрь ойларидан тортиб, то апрель ойларигача тўда-тўда бўлиб учиб юра эди. Ҳозирда эса олдинги йилларга нисбатан жуда кам турашларни 50-60 тагача санаш мумкин. Бу қушларни ноқонуний овчилар кўпдан-кўп миқдорда овлаб, камайтириб юбормоқда. Тураш апрель ойи охирида текисликларда уя қўйиб, 7-8 тагача тухум очади, болалари урғочисининг изига 5-6 кун эргашиб юриб, кейинчалик уча бошлайди.

Улар ўтлар, қурт-қумурсқалар, қўнғизлар билан озиқланади.

ЎЛКАМИЗ БАЛИҚЛАРИ

Ўлкамиз дарёлари, сув ҳавзалари табиий кўлларда учрайдиган балиқлар: зогора, лаққа балиқ, мўйловли балиқ. ҳамда карпсимонлар оиласига кирадиган форель маринка балиқлари тоғ чашма-булоқларида ҳамда кўлларда яшайдиган балиқлар ҳисобланади. Кейинги йилларда шимолий-шарқ дарёларидан 1968-1980 йилларда ўлкамиз ҳавзалари ҳамда дарёларига олиб келиб ташланган ҳамда урчитилган балиқлар оқ амур, дунг пешона /толостобик/, карас, лешь балиқлари эди. Бу соҳада кейинги, яъни 1987 йилларга қадар вилоят балиқчилик корхонаси бир мунча ишларни амалга оширди. Шунингдек, балиқ саноатини ривожлантириш аҳолини балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш борасида ишлар яхши йўлга қўйилган эди. Лекин 1988-1994 йилларда бу ишлар бирмунча сусайганди. 1995 йилдан бошлаб вилоятда балиқ саноатини ривожлантириш борасида изланишлар қилиниб, режалар тузилиб балиқларни кўпайтириш борасида бир мунча ишлар қилинди. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари А.К.Бердиев, Т.Устемировлар бошчилигида балиқчилик

корхонаси ходимлари мунтазам иш олиб бормоқдалар. Келгуси-да балиқ саноатини ривожлантириш режалаштирилмоқда, 1995 йилнинг ўзидаёқ 2339 минг бош балиқ чавоқларини Жанубий Сурхон сув омбори Учқул, Оқ тепа, Учқизил сув омборларига ташлаб кўпайтириш мўлжалланаяпти.



Суратда: Учқул сув омбори.





Суратда: Жанубий Сурхон сув сув омборига балиқ чавоқларини ташлаш пайти. Вилоят балиқчилик корхонасининг ХУСАН ЗОКИРОВ бошлиқ биргадаси иш пайтида

ЎЛКАМИЗ ИЛОНЛАРИ

Илонлар асосан тоғ ён бағирларида, чўл худудларида қумлоқ ва тошлоқ жойларда ҳамда қўллар атрофи, дарё бўйларида, тўқайзорларда учрайди. Кейинги вақтларда транспорларнинг кўпайиши, ерларнинг ўзлаштирилиб юбориши илонларнинг камайиб кетишига олиб келмоқда.

Ҳозирда илонлар чўл, тоғ, тўқайларда бир мунча сақланиб қолган. Шулардан кобра, қўлвор илон, ўқ илон, қум илон, сариқ илон, чинқирик илонларни учратиш мумкин.





Суратларда: Кобра илони, кўлвор илон, қум илонлар тасвирланган.

Илонлар кўпинча майда ҳашоратлар, кемирувчилар, қуш болалари, тухумлари билан озиқланади.

ЎЛКАМИЗНИНГ ЎСИМЛИК ДУНЕСИ

АРЧА. Арча—Осиё, Америка, Европа қитъаларида кенг тарқалган, қўроғчиликка, иссиқ-совуққа чидамли, ёруғсевар ўсимликдир. Ер юзиге арчаларнинг 60 дан зиёд тури бўлиб, шундан 20 тури ўлка мизда ўсади. Совур арча, ўрик арча, қизил арча, қора арча ва Заирафшон арчалари Кўхитанг, Бойсун тоғ, Боботоғ, Ҳисор тоғларининг денгиз юзасидан 800 метрдан 4000 метргача баланд бўлган ён бағирларида ўсади.

Тўпроқ қатлами, қалин серсун ерларда ўсадиган арчалар йўғон ва бўйдор бўлади. Ўрик арча шулар жумласига киради.

Арча тоғ қоялари чиқиб қолган баландликларда, чағиллик ва тошли яъни кучли эрозияга учраган жойларда, ер бағирлаб, палак отиб ўсади. Арча кўқарган тошлоқ ерда лойқа аста-секин тўплана бошлайди ва тўпроқ таркиби яхшиланади. Арча ёғочи захда чиримайди. Ундан олинadиган pista кўмири юқори калорияга эга бўлиб, лифобахш таъсирига ҳам эга.

Бир гектар майдондаги арча каттагина шаҳар ҳавосини тозалаш бериши мумкин. Эфир мойли арчазор ҳавоси ўпка сили касаллигига шифобахш таъсир кўрсатади. Игнабаргли арча тарқатадиган эфир турли хил касалликлар бактерияларига қирон келтиради.

Уруғ гўмбаги буйракни тозалайди, қайнатмаси ва малҳами яллиғланган ҳамда жароҳатланган аъзоларининг тез тузалишига ёрдам беради. Арча об-ҳаво, атроф-муҳит ўзгаришига мослашувчан, турлитуман тўпроқ шаронтига ва иссиқ-совуққа бардошли ўсимликдир. Арча 100 ёшга кирганда, уруғлайди. Уруғи икки йилда пишади, уни асосан қушлар атрофга тарқатади. Тўқ уруғлардан эрта баҳорда нозик майса униб чиқади. У кўзга кўринарли даражага етгунча кўп вақт ўтади. Об-ҳаво қўроғчил келган йилларда кўқарган майсалар нам етмаслигидан деярли нобуд бўлади, қолганлари ҳам кўпинча чорва тўёғидан зарарланади, фақат пана ва баланд, ноқулай жойлардагина сақланиб қолади.

САКСОВУЛ. Саксовул ўлкамизнинг катта массивида хотинработ ҳамда чўл минтақаларида ўсади. Соқин ва улугвор кенгликлари тафтиз офтоб нурида музроқ уйқуга кетган паллада, ўт-ўланлар қавъираб, қум барханлари етгунча кейин қорайиб ётади. Кун ўтган сари чўл ҳазон маъналикка чўлганиб бораверади. Октябр ойида бу маънага ўзгаради. Саксовул уруғининг майда, оқ, пушти,

қизғиш рангли гушлари офтоб нурида ярақлаб тоғланади. Шундай пайтда юксакликдан уларга қаралса, кўз ўнгингизда эртақларда гудай манзара намойён бўлади. Гўё тонгни қаршилаш учун минглаб тирин мавжудот саҳрога чиққандай туюлади.

Қиш бўронларига, кўнлам ёмғирларига, аратон жазирама-ларига бардош берган саксовуллар борлиқдаги ҳамма нарса хазонга айланаётган пайтда барқ уриб гуллайдн. Буни кўриб, қадим бир ҳикматга тақрор амин бўласан киши: машаққатларни енга олган муродига етади.

Саксовул — шўрадошлар шурогуллилар оиласига мансуб бўта ва дарахт ҳисобланади. Бўйи 1,5-12 метргача етади. Танасининг йўғон қисми 1 метр, диаметри 24-28 сантиметр бўлган бир тўп саксовулнинг ўртача оғирлиги 100-140 килограмм келади. Саксовул 30-60 йил яшайди. Асосан уруғидан кўпайди. Беш-олти йиллик бўлгач, уруғлайди. Кейинги йилларда саксовулни кўпайтириш мақсадида бир қатор ўрмонлар ташкил этилди.

Саксовул ёлғиз ҳолда ҳам, янтоқ, юлғун, шувоқ, кейреук, буюргун, қандим, черкез, илок, эфемер кабилар билан аралаш ҳолда ҳам ўсади. Бу қимматли ўсимлик ер ости сувлари яқин бўлган жойларда, айниқса кўп учрайди.

Саксовулларни кўпайтиришдан мақсад қаттиқ тезликда эсанг шамол пайтида қумлар кўчишининг олдини олиш, ерлар эрозиясини сақлаб қолиш намликни таъминлашдан иборатдир. Саксовуллар чорвачилик соҳасида ҳам муҳим роль ўйнайдн.

АРПАБОДИЁН. Бир йиллик соябонгулдошлар оиласига мансуб ўтсимон ўсимлик. Унинг бўйи 60-70 сантиметр атрофида, пояси тик ўсувчи, тукли, кўп қиррали, юқори қисми шохланган бўлади. Поя ва барглари яшил, илдизига яқин ва поясининг пастки қисмида жойлашган барглари узун, уч бўлаккли, қирраси тишсимон, поясининг устки барглари 2-5 бўлак патсимон қирқилган. Барглар пояда кетма-кет жойлашган. Гуллари майда, кўрimsиз, мураккаб соябонга тўпланган бўлиб, оқ ёки сариқ рангли бўлади. Май-июль ойларида гуллайдн. Меваси августда етилади. Уруғи тухумсимон, сертук бўлади. Арпабодиён кенг кўламда ўстирилиб, меваси зиравор сифатида ишлатилади.

БҒИМАДАРОН. Бу ўсимлик мураккабгулдошлар оиласига мансуб, бўйи 70-80 сантиметрге етади, кўп йиллик ўт ўсимликидир. У адир, қир, ўтлоқ, тоғ ёнбағирлари, йўл атрофлари, боғларда, майда шағалли қияликларда учрайди.

Меваси — кулранг писта. Ўсимлик бизнинг шаронгимизда июнь-август ойларида гуллайдн, меваси ёзнинг охирида ва кўз бошларида пишади. Бўймадарон доривор ўсимликлар сирасига киради.

ДУЛАНА. Бу ўсимлик раъногулдошларга мансуб тикояли дарахт-бўталар туркумига ҳам киради, Бўйи 10 метргача боради. Улар ўлкамизнинг деярли барча тоғли районларида учрайди. Денгиз сатҳидан 1000-2600 метр баландликларда ўсади. Дулана доривор ўсимликлар сирасига киради.

ЗИРА. У соябондошлар оиласига мансуб, икки йиллик ўт ўсимлиқдир. Зира июнда гуллаб, июлда пишади. Кўҳитанг тоғи ён бағирларида, яланглик, сой ва жилга атрофларида ўсади. Доривор ўсимлик.

ИСИРИҚ. Исириқ туятовондошлар оиласига мансуб бўлиб, бўйи 20-70 сантиметрга етадиган кўп йиллик ўсимлик. У қурғоқ ерлар ва даштларда — шўрхокроқ ерларда ўсади. Доривор ўсимлик ҳисобланади. Исириқ май-июнь ойларида гуллайди. Меваси августда пишади.

ЧУЧУКМИЯ. Чучукмия (ширинмия, қизилмия) дуккакдошлар оиласига мансуб бўлиб, кўп йиллик ўсимликлардир. Пояси тик ўсади, бўйи 50-200 сантиметр атрофида бўлади. Апрель ойининг охиридан июнгача гуллайди, меваси август-сентябрда пишади. Кўпинча Амударё тўқайзорларида катта майдонни эгаллайди. Доривор ўсимликка киради.

ЧИЛОНЖИДА. Жумрутдошлар оиласига мансуб бўлиб, бўйи 2-5 метрга етадиган дарахт. Чилонжиданинг кенг тарқалган жойлари Хитой, Ҳиндистон ва Ўрта Ер денгизидаги баъзи мамлакатлардир. У ўлкамизда Сангардак ва Тўпаланг дарёларининг тоғ ён бағирларида, нишабликда ўсади, меваси доривор ҳисобланади.

ҚОРА ЗИРК. Табиат неъматлари ичида хушбўй, димоқни қитиқлайдиган зираворлар анча кўп. Ўлкамизда ҳўжаликларда тошлоқ соялар бўйида, қуёш нури тик тушадиган тоғ ён бағирларида қора зирк бўталарини кўплаб учратиш мумкин. Зирк қора қанд деб ҳам юртилади. Қора зирк меваси етилиб-пишганда, териб олиб қуритилади ва гўштли таомларни хушбўй қилиш учун ишлатилади. Сабзавот ва меваларга қора зирк барги қўшиб сиркаланса, хушбўй бўлади, ундан ичимлик ва мураббо тайёрлаш ҳам мумкин. Денов консерва заводи ишлаб чиқарган зирк шарбатидан озиқ-овқат, қандолатчилик sanoатида фойдаланилапти.

Қора зирк доривор ўсимлик бўлиб, унинг меваси ва пўстлоғи жигар, юрак, меъдага қувват беради ҳамда чанқоқни қондирувчи, ошқозон касалликларни даволовчидир. Ибн Сино уни дори сифатида ишлатган.

АНЖИР. Узум, ҳўрмо каби анжир ҳам қадимий мевали ўсимликлардан ҳисобланади. У мелоддан илгари VI—IV асрлардаёқ

маданий ўсимлик сифатида ўстирила бошлаган. Манбаларда келтирилишича, анжирнинг ватани Яман мамлакатидир. Кейинчалик у Финикия, Сурия, Миср ва Юнонистонга тарқалган. Ҳозирги вақтда анжир дунёнинг кўпгина субтропик мамлакатларида етиштириляпти.

Жами 600 га яқин тури бўлган анжир Ўрта ер денгизининг бўйи мамлакатларида, Кичик Осиё, Эрон, Афғонистон, Шимолий-Ғарбий Ҳиндистонда ёввойи ҳолда эса ўлкамизнинг Тўполанг дарёси ҳавзасида учрайди. Анжир ҳосилдор ҳамда доривор ўсимлик эканлиги гуфайли маданий ҳолда унинг кўп хил турлари экиб келинмоқда.

Табиатнинг бебаҳо инъомларидан бўлмиш анжирнинг шифобахш хоссалари қадимдан маълум. Халқ табobatiда ундан ошқозон ҳамда жигар касалликларини, сурункали йўтал ва песни даволашда, кам қонли, нафас йўллари касалликлари, буйракдаги тошни йўқотишда фойдаланилган.

Анжир ўсимлигининг барча аъзоларида сутга ўхшаш шира бўладики, у терига теккайда, қизартириб, бир оз қичиштиради.

Унинг бир жинсли гуллардан иборат гўпгулли бўлажак «мева» ичида бўлади. Анжир тупгули кенг, ботиқ, юмуқ гулкоса тарзида бўлиб, ички деворида бир неча юзта гул жойлашган. Гулкосанинг юқори қисмида кичик тешикча бор.

Анжирнинг гуллари юмуқ тупгул ичида, бамисоли «яширин» очилади, буни гулкоса сирти рангининг ўзгаришига қараб пайқаш мумкин. Анжир гулининг чангланш ва уруғланиш жараёни бошқа биронта ўсимликда учрамайдиган мураккаб мослама билан боғлиқ. Бластиофага араси деб аталувчи майда ҳашорат анжир гулини чанглатади. Бу ари оталик дарахтларининг тупгули ичида кўпайиб, ривожланади, баъзи тур анжирлар чангланмасдан ва уруғ тугмасдан мева қилади.

Ўзбекистоннинг иқлим шароити бластофага арасининг яшаши учун ноқулай, чунки у қиш совуғига бардош бера олмай, ҳалок бўлади. Шунинг учун ўлкамизда анжирнинг чангланмасдан мева берувчи оналик навларигина ўстирилади.

Бу ўсимлик ҳаво қуруқлигига чидамли бўлса-да, тупроқда намининг доимий бўлишини тақозо этади. Ёввойи анжирзорларнинг географини жойлашиши финримиз далилидир. Ёввойи анжирзорлар 900-1700 метр баландликда жойлашган. Серҳосил анжир дарахтлари эса дарё водийларида, булоқлар яқинида қуллас, сув билан яхши таъминланган ерларда ўсади.

Анжир дардга-даво, белга қувват бахш этувчи доривор ўсимлик ҳисобланади.

БОДОМ. Раъногулдошлар туркумига мансуб бодомнинг 40 тури мавжуд. Шундан 13 тури Ўзбекистонда ўсади. Еввойи бодом Сурхандарё воҳасининг тоғли ҳудудларида ўсади.

Бодом тоғларда—Денгиз сатҳидан 800-1600 метр, баландликда учрайди.

Эна ўсимлик сифатида оддий бодом ўлкамизнинг кўпгина хўжаликларида экиб-ўстирилади.

Бодомнинг бўйи 5-8 метргача етиб, ўқ илдиз системаси анча чуқур жойлашади, гуллари оқ ёки пуштиранг новдаларга якка-якка жойлашган, меваси донакли.

Бодом шифобахш ўсимликдир. Унинг пўстлоғи ҳамда донак пўсти ва қонағи халқ табобатида турли хил касалликларга даво сифатида ишлатилади.

БУЗНОЧ. Кейинги вақтларда ўлкамизда ўсадиган шифобахш ўсимликларни билишга ва улардан фойдаланишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бунга сабаб улар таркибидаги инсон организми учун зарар бўлган биологик фаол моддаларнинг химиявий усулда тайёрланган дориларга нисбатан безарарлигидир. Шу боисдан, ҳозирги кунда ниҳоятда фойдали ўсимликлардан бири ҳисобланган бузночга ва ундан тайёрланган дориларга эътибор берилмоқда. Бу доривор гиёҳни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, ундан медицинада фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Умуман ўлкамизда унинг 2 тури учрайди.

Бузноч кўп йиллик ўсимлик бўлиб, мураккабгулдошлар оиласига киради. Унинг илдиз пояси 25-50, баъзан 80 сантиметргача етиб, оппоқ қалин туклар билан қопланган. Бузноч, шунингдек, даштларда, қарағайзорлардаги ўтлоқларда ҳам учрайди. Бу ўсимлик бошқа гиёҳлардан гулининг тилласимонлиги, сариқ ранги билан ажралиб туради. Бузноч июнь ойидан то августгача гуллаб туради, меваси август, сентябрь ойларида пишади.

Бузноч ажойиб биологик-экологик хусусиятга эга. У серқуёш жойларда яхши ривожланади. Поясидаги қалин туклар иссиқ таъсирида сувсизланиб, қуриб қолишдан яхши асрайди. Шунинг учун ҳам бу гиёҳ узоқ муддат сақлаб э-да, табиийлигини йўқотмайди.

Ўтмишда ота-боболаримиз бузночнинг гулидан тайёрланган дамламадан жигар, буйрак, сийдик йўллари касалликларини даволашда фойдаланиб келишган. Бундан ташқари, унинг қайнатмаси қон кетишни тўхтатувчи, терлатувчи, балғам кўчирувчи, ичаклардаги чувалчанларни тушурувчи, ҳансираш, бош оғриқ, бод ва ички санчиқларни даволовчи восита сифатида истеъмол қилинган.

Бузиочнинг табиий шароитида йўқолиб кетмаслигига бутун диққат-эътиборни қаратмоқ, уни ихтисослаштирилган хўжаликларда етиштиришга амалий жиҳатдан киришмоқ мақсадга мувофиқ.

ШИРАЧ. Қадимги қўлэмаларда антиқа кўринишли, ажойиб хосятли ширач ўсимлиги тўғрисида маълумотлар учрайди. Манбаларда ширач илдизидан тайёрланган елимшак суюқлигидан қалъа, миноралар сингари муҳим иншоотлар қурилишида, кулолчиликда мустаҳкамловчи восита сифатида, шунингдек халқ табобатида фойдаланиб келингани айтилади.

Этиндўз, махсидўз косибларининг иши ҳам шу ширач билан битган. Шунингдек, бу ўсимлик айрим турларининг ёш барглари ва янги илдизларида қуштакъ егулик ҳам тайёрланган. Бундан ташқари, қадимгилар бир хил ширач навларининг барг ва илдизларида бўёқ моддаси бўлганлигидан, ундан жун, ипак ва ил газламаларини жигар ранг ва сариқ қилиб бўяшда фойдаланишган.

ЎЛКАМИЗ ЗАРАРЛИ ЎСИМЛИКЛАРИ

Бу ўсимлик чўлларда, қумлоқ, дашт ва тошлоқ жойларда, тоғ ён бағирларида ва бўтазорларда умуман, ёз мавсумида ёмғир қарийб ёғмайдиган қурғоқчил жойларда ёввойи ҳолда ўсади.

Ўлкамиз ўсимликларга бой минтақа ҳисобланади. Унда ўсадиган ўсимлик турларининг сони ниҳоятда кўп. Ҳозирги даврда 4000 дан ортиқ ўсимлик турлари аниқланган. Булар орасида доривор, бўёқбоп, эфир мойли, манзарали ва ниҳоят чорвачилик учун яхши узук бўладиган ўтлар билан бир қаторда, захарли ўсимликлар ҳам оз эмас. Бундай ўтлардан кўпинча уй ҳайвонлари ва баъзан одамлар ҳам захарланишлари мумкин.

Захарли ўсимликлар ўлкамиз чўллари, адирлари, тоғлари ва яйловларида ўсади. Шунингдек, улар экин майдонларида ҳам учраб туради.

ТУЯҚОРИН. Туяқорин — кампирчопондош ўсимликларга мансуб бўлган бир йиллик ўт бўлиб, бўйи 30-60 сантиметрни, партов ерларда эса баъзан 120-130 сантиметрни ташкил этади. Пояси сершоҳ: барглари эллипс ёки тухумсимон шаклда бўлиб, ҳар инкала томонидан ҳам қисқа, оқ туп туп ўқига бир ёқлама ўрнашади. Уруғи майда, чўтир оқ тунлар билан қопланган, ҳар бир мевада 4 тадан бўлади.

Туяқорин жуда серҳосил ўсимлик, унинг ўртача тўпи 4000 га яқин яхши ўсган йирик тўпи эса 15000 га яқин уруғ беради.

Туяқорин ўлкамизнинг баҳорикор туманларида кенг тарқалган бегона ўтдир.

Туяқорин заҳарли ўсимлик эканлиги аниқланиб, унинг кўч барги, пояси ва уруғларида гелиотрин ва лазиокаргин деб номланган заҳарли алкалоидлар борлиги аниқланган. Алкалоидларнинг умумий миқдори поя ва баргларида 0,4 фоизга, уруғида эса 1 фоизга етади.

Туяқорин заҳарли, инсон учун ҳам ҳайвонлар учун ҳам хавфлидир.

БАНГИДЕВОНА. Бангидевона бўйи 1 метр келадиган бадбўй ҳидли, бир йиллик ўсимлик бўлиб, итузумлилар туркумига мансубдир. Барглари катта 20 сантиметрга етади. Тухумсимон шаклда, ети эса нотекис, йирик тишли. Гули йирик оқ, воронка шаклида бўлиб, барг қўлтигида биттадан ўрнатган.

Гуlining ҳиди жуда қўланса. Меваси сиртидан тиконлар билан қопланган, тўрт чаноқли очиладиган кўсақдир.

Бангидевона асосан қишлоқлар ичидаги тўпи ва ахлат тўкиладиган ерларда, ташландиқ ҳовлиларда, фермалар атрофида, экинзорлар четидаги экилмайдиган лахтак ерларда, мазорларда ва баъзан йўл еқаларида ўсадиган бегона ўтдир. У кўпинча тўп-тўп бўлиб ўсади ва ўлканинг деярли ҳамма жойларида учрайди.

Бангидевона ўта заҳарли ўсимлик. Унинг баргларида 0,29-0,37 фоиз, поясида 0,06-0,24 фоиз, илдизида 0,12-0,27 фоиз, гулида 1,3-1,9 фоиз ва уруғида 0,8-0,22 фоиз заҳарли алкалоидлар гиосипамин, атропин ва скополаминлар бўлади. Бундан ташқари, бангидевона бургида 0,14 фоиз ўткир тамаки ҳидига эга бўлган эфир мойи, 0,1 фоиз каротин, 1,7 фоиз ошловчи моддалар, уруғида эса 17 фоиздан 25 фоизгача мой борлиги аниқланган.

МАСТАК. Мастак галладошлар туркумига мансуб, бир йиллик ўт бўлиб, бўйи 40-80 сантиметрга етади. Пояси бугдой поясига ўхшайди, ичи ковак. Барги ингичка, чизиқсимон. Бошқачалари қил-таноқли, бошоқ ўқига ёпишиб туради. Бошоғи поянинг ичида жойлашган, узунлиги 10-20 сантиметр келади.

Мастак асосан даламикор ерларга экиладиган бугдой, арпа ва эгир билан бирга ўсади. У ўлкамизнинг адирларидаги баҳорикор экинлар орасида кўпилаб учрайди.

Мастак донининг (уруғининг) заҳарли эканлигини деҳқонларимиз ялгаридан билишган. У аралашган бугдой ёки арпа унidan қилинган нон ва ошқатлашнинг егани, кишиларни уйқу босгани, бош айлангани, беқларида туролмай йиқилгани, кўпчиликка маъдум. Шунинг учун ҳам боболаримиз унга мастак (маст қилувчи) деб ном беришган бўлса керак.

Мастанинг уруғи аралашган овқатдан истеъмол қилинса, инсон учун хавфлидир. Тайёрланган ем-хашакка мастак аралашган бўлса, у истеъмол қилган ҳайвонлар учун ҳам жуда хавфлидир.

МИНГДЕВОНА. Мингдевона итузумдошларга мансуб икки йиллик ўтдир. Бўйи 1 метрга етади, танаси эса ёпишқоқ туклар билан қопланган. Барглари патсимон қирқилган, илдиэ олдидагилари узун бандли, поядагилари эса ёлишгандай. Гуллари хира—сариқ, новдалари кўвачага ўхшайди.

Мингдевона ўта заҳарли ўсимик бўлса ҳам ўтлоқларда шидан заҳарланиш жуда кам содир бўлади, чунки ёмон таъми ва қўланса ҳиди бўлганлиги учун қуримаган мингдевонани отлар мутлақо емайди. У кўп ўсган ерларда сигир ва бузоқларнинг заҳарланиши унча-мунча содир бўлиб туради. Қуриган мингдевона анча хавфлидир. Чунки қуриши билан унинг қўланса ҳиди йўқолса ҳам, заҳари сақланиб қолади. Шунинг учун ҳам мингдевона аралашган пичандан заҳарланиш кўп учраб туради.

РАНДАК. Рандак нозик туклар билан қопланган, бўйи 20-70 сантиметр келадиган бир йиллик ўт бўлиб, чиннигулдошларга киради. Барглари ингичка, ёпишгансимон, ҳар пояда иккитадан бўлиб, бир-бирига қарама-қарши ўрнашган ва уларнинг тублари бир-бири билан бирикиб кетган. Гули тўқ пушти рангда, анчагина йнрик. Меваси яхши очилмаган кўсакка ўхшайди. Уруғи қора, гадиэ-будир 3 миллиметрча келади. Рандак май ойида гуллайди. Рандакнинг асосан уруғи заҳарли. Унинг уруғидан 6,5 фонэ гитачин деб номланган заҳарли сипонин борлиги аниқланган. Бундан ташқари унда яна 6,5 фонэ мой, крахмал, шакар ва лекитин каби моддалар бор.

Рандакдан уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг ҳамма хиллари ҳам заҳарланади. Лекин заҳарланиш ҳеч вақт ўтлоқларда рўй бермайди. Рандакнинг пояси ва баргларининг кўклигида мол емайди. У гуллагунча пичанга аралашса ҳам зарар қилмайди, лекин уруғлагандан сўнг пичанга аралашса, заҳарлайди.

Рандак аралашган бугдой ундан ёпилган нон кўкимтир ва тахир бўлади. У инсонни ҳам заҳарлаши мўмкин.

ҚАРАМУҒ. Арпа, бугдой, сўли, жайдар ва зигир донларини булғайдиган бегона ўт уруғларидан яна бири қорамуғдир. Қорамуғдан тозаланмасдан тортилган бугдой унининг тахир бўлишини ғаллакорларимиз яхши билишади.

Қорамуғ чиннигулдошлар оиласига мансуб бўлган бир йиллик ўт. Пояси ўртасида шохланган, бўйи 20-60 сантиметр келади. Барглари узунчоқ, тухумсимон, кул ранг новдада қарама-қарши ўрнашган. Гули пушти, меваси яхши. Итлар ва товуқларга қорамуғ едилганда, уларнинг тезда заҳарланганликлари аниқланган.

Қорамуг дони инсон учун ҳам ниҳоятда зарарлидир.

ГУМАЙ. Гумай кўп йиллик, илдизпояли, баланд бўйли ўт бўлиб, ғалладошлар оиласига мансубдир. Унинг пояси бўгинларга бўлинган. барглари дағал, текис қирраси, лентасимон. Тўпгулли—рувак. меваси эса дончалардан иборат.

Гумай сугориладиган экинлар орасида ўсадиган бегона ўт. Деҳқонларимиз орасида уни танимайдиган, билмайдиган киши бўлмас керак, чунки у пахта далаларидаги ашаддий ёмон бегона ўтлардир. Пахтакорлар у билан жиддий кураш олиб борадилар.

Сувланмаган майдонларда кўкариб чиққан гумайларни қорамоллар еса дарров заҳарланади, вақтида ёрдам кўрсатилмаса, ҳайвон дарҳол ҳалоқ бўлади. Инсон учун ҳам жуда катта таъсири бор, чунки ғалла билан аралашиб кетган уруғ таъсирли бўлади.

ҚИЗГАЛДОҚ. Қизгалдоқ бўйи 8-50 сантиметр келадиган, майда оқ туклар билан қопланган бир йиллик ўт бўлиб, кўкнордошлар оиласига мансубдир. Илдиз олдига ва поянинг қўйи қисмида жойлашган барглари узун бандли ва икки-уч марта патсимон қириқилган ва ёпишгансимон бўлади. Гули йирик, қиз-қизил, тожибаргарининг остида қора доғи бор. Меваси ингичка ва узунчоқ, худди кузоқни эслатади.

Халқ орасида кўпинча қизгалдоқ билан лола қизгалдоқни биридан фарқ қилишмайди, ва ҳар иккаласини ҳам гоҳ қизгалдоқ, гоҳ лола қизгалдоқ деб атай беришади. Ҳақиқатда эса улар бир-бирларидан бутунлай фарқ қиладиган иккита туркум вакилларидир. Уларни гуллари билан бир-биридан ажратса бўлади. Қизгалдоқнинг ғунчаси туксиз ва шохсиз, меваси кузоққа ўхшаш узунчоқ, лола-қизгалдоқники эса аксинча, ғунчаси тукли ва икки шохли меваси худди кўкнор мевасига ўхшаш юмалоқ кўсақдир. Қизгалдоқнинг уруғи ҳайвонлар учун ўт хавфлидир. Ём-хашак йиғиштириш даврида қизгалдоқни ажратиб ташлаш керак.

Ҳайвонлар (троф-муҳитни, табиатни ҳис қиладиларми?)

Ҳаво айнишидан олдин балиқлар танасида физиологик ўзгариш ҳам рўй беради—уларнинг пуфағи одатдагидан кўра каттароқ бўлади.

Балиқ чивин тутиш учун сув бетига сапчиб чиқаверади, шундан ёмғир ёғишини, умуман ҳаво айнишини биламиз.

Кечқурун, баъзан ҳатто кундузи одам юрадиган йўлда кўплаб чўл бақалари юрса, ёмғир ёғади...

Қурбақалар қаттиқ-қаттиқ ва ёқимсиз қурилласа, ёмғир ёғади, ёдимли хониш қилса, ҳаво очиқ бўлади.

Ёмғирдан олдин қора моллар тумшугини кўтариб бирор нарса ни ҳидлагандай зўр бериб нафас олаверади, ёни ётиб кавш қайтарса, иссиқ бўлади. Тикка туриб кавш қайтарса, совуқ бўлади.

От ҳирилласа ҳаво айнийди, пишқирса иссиқ бўлади, бошини силкиб юқорига чўзиши—ёмғир аломати. От ёзда намгарчилик олди дан, қишда эса қор ёғиши олди дан ётади.

Ёмғирдан олдин сигирнинг сути камайиб кетади.

Мушук сув олди га бораверса ва одатдағидан кўпроқ сув ичса ёни иссиқ ҳавога ўзини тортса, ҳаво айнийди.

Агар товуқлар ёмғирдан ўзини олиб қочмаса, ёғингарчиликнинг узоқ давом этиши кутилади.

Товуқлар бог, ҳовли ва бостирманинг баланд-баланд жойларига чикиб олса, тез вақт ичида ёмғир ёғади.

Товуқлар эрта кўздан тўллаё бошласа, қиш илиқ бўлади.

Товуқларнинг қумда чўмилиб, сўнгра қанотини силкиши ҳам ёғингарчилик аломати.

Агар кечки пайт моллар даладаги ўтни пок-покиза туширса, эртасига ёмғир ёғади.

Мол сувни кам ичса ва кундузи ухласа, ёмғир ёғади.

Ғоз оёғини кўтарса, совуқ ҳаво бўлади.

Итнинг айланиши ёмғир ва қорнинг, гужанак бўлиб ётиши совуқнинг, чўзилиб ётиши иссиқнинг аломати.

Қаттиқ совуқда курка, хўроз қичқирса, илиқ шамол эсади.

Мушук кулала бўлиб ётса—совуқ, орқаси билан ёта, ҳаво очниқ бўлади. Қаттиқ ухласа, иссиқ бўлади, деворни тимдаласа, ҳаво айнийди.

Қушлар хурпайиб, олса, ҳаво айнийди. Агар учиб келган қушлар кўкдамда узоқ вақт сайрамай юрса, совуқ бўлади. Сайраб турган қушлар сайрашдан тиниб қолса, момақалди роқ бўлиши мумкин.

Қушлар чуғурлашиб сайраса, ҳаво очилиб кетади.

Қушлар дарахтларнинг кунга қараган томонига уя қўйса, ёз салқин келади.

Турналар барвақт ўчиб келса, баҳор эрта келади. Агар турналар кузда баланд учса, куз узоқ чўзилади.

Турна ўйинга тушса, кун исийди. Турналар сайраса, ёмғир ёғади.

Чумчуқлар, майналар сувга чўмилса, ёмғир ёғади.

Қарганинг қағиллаши, об-ҳавонинг айнишидан дарак беради.

Каптарлар гув-гуыласа, ҳаво очниқ бўлади.

Бойўғли сайраса, совуқ бўлади.

Сичқонлар қиш кунларида ҳаво исиб кетишини билсалар, очниқ ҳавога, совуқ турган пайти ҳам чиқиб юришади. Улар олди дан билишади.

ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

Биз табиат қонуларини ўргана бориб, табиатни кенг кўламда муҳофаза қилишимиз заруратдир. Инсониятнинг илк ибтидоий даврдан бошлаб то ҳозирга қадар босиб ўтган тараққиёт йўлини ҳаёлан гаудалантирсак, одамни ўраб олган жамки йирик ва митти дунёнинг ўзгарувчан жараён эканлигини кўраимиз.

Бу жараённинг аҳамиятини икки-уч жумлада айтиб ўтиш мушкул, лекин уларнинг талофатларидан бири аниқ инсон табиатнинг фарзанди бўла туриб, тараққиёт туфайли эндиликда табиатнинг бсҳад бойликлари орасида ёлғизланиб қолиш хавфи тугилаяпти.

Табиатнинг бутун кўрки-жозибаси у жонли аъзоларини асраб-авайлаб улар билан инсон ҳаёти ўртасида ажойиб бир уйғунлик яратиш бугун кечагидан, эрта бугунгидан кўра муҳимроқ бўлиб бораляпти.

Тўғри, табиат ва инсон муаммоларининг барчасини бир йўла қамраб олиш қийин. бинобарин, унинг айрим қирралари, бевосита ўлкамиз табиати ва шароитига доир жиҳатлари хусусидагина тўхталиб ўтиш асосий мақсадимиздир.

Табиатни асраш деганда, кўпчилик даставвал сув ва ҳавони, ҳайвонот ва ноботоғ оламни муҳофазалашни тушунади. Агар шу ибора замирига чуқурроқ кириб борсак, мунозара ниҳоятда кенглигининг гувоҳи бўламиз. Чунончи, ҳайвонот олами тушунчаси фақат ёввойи йиртқич жонзотлар билан чекланмасдан, чорва молларидан тортиб, то сув ости салтанатида яшайдиган балиқлар, ҳатто моллюскаларгача мансубдир.

Бирорта ҳайвон ё бирор ўсимлик турининг лоақал мўъжазгина табиат гўшасининг ер юзидан йўқолиши экологик кемтикликка сабаб бўладикки, одамлар бунни жиддий бир йўқотиш деб ҳис қилмоқлари керак.

Ваҳоланки, инсон пайдо бўлгандан буён аксари ҳайвонларни гўшти, териси учун ёки душмани деб биллиб, турли йўллар билан қиришга одатланган.

Йиртқичларнинг гуноҳи уларнинг йиртқич бўлганидами? Йиртқич ҳайвонлар ҳаёт учун курашиш жараёнида сунъий танлаш юз беради, яъни турлар соғломлашади, аини вақтда табиатда бир-бирига боғланиш қонуни сақланади.

Бизнинг замондошларимиз табиатдаги табиий бутликни сақлаб турадиган ҳайвонларни (ва ўсимлик дунёсини) асраш, уларнинг тамомила йўқолишига йўл қўймаслик ташвишида. Келажак табиатнинг қўриқчиси бўлган «Қизил китоб»ни билмаган одам йўқ. «Қизил китоб» одамларни ҳушёрликка, ғамхўрликка ундовчи, виждон амри билан иш туттишга чорловчи воситадир.

Дарвоқе, одамлар муҳофазасига муҳтож бўлиб келган, акс ҳолда бутунлай йўқолиб кетиш арафасида турган ўсимлик турлари анчагинадир. Чунончи, лола, зирк, чала бўтаммон бўлган астрагал, ёввойи анор, бодом, pista эндиликда махсус қўриқхона ташкил этиш йўли билан сақлаб қолинадиган ўлкамиз наботог оламнинг поёб вакилларига айланиб қолди.

Ҳа, эзгу ниятларимизни амалга ошириш учун имкониятлар бор, фақат уларни бажариш истаги бўлса бас.

Шундай қилиб нодир ҳайвон, парранда ва ўсимлик турларини сақлаб қолиш учун нима қилиш керак?

Бунинг учун вилоятдаги табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси «Қизил китоб»га киритилган ҳайвон ва ўсимлик турлари билан аҳолини мутасил таништириб бориши, овлаш муддатларига рўя қилишнинг аҳамияти умуман табиат бойликларига эҳтиёткорона муносабатда бўлишнинг афзалликлари хусусида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришлари, кези келганда эса буларни эътиборга олмайдиган ҳамда табиатни қўпол равишда ғорат қилган шахслар қонуний жавобгарликка тортилиши мумкинлигини кенг оммалаштиришлари керак. Ана шундагина биз қўзлаган эзгу орзу-ниятлар амалга ошади.

Кўз илгамас микроблар одамзод, ҳайвоноту ўсимлик олами—буларнинг бари жамбўлжам ҳолда жонли табиатни ташкил этади. У яшайдиган муҳит ҳамда унинг ҳаётини фаолиятни маҳсули—жонсиз табиатдир. Сув, тупроқ, тоғ жинслари, атмосфера жонсиз табиатнинг таркибий қисмларидир.

Табиат ҳар икки қисми ўртасидан ҳар вақт ҳам қатъий чегара ўтказиб бўлмайди. Жонли ва жонсиз табиат бир-бири билан узвий боғлиқ. Мана, бунга мисоллар: торф қатламларини ҳосил қилувчи ботқоқ ўсимликлари ва торфнинг ўзи бир қанча ўтишлар воситасида бир-бири билан боғланган. Ёки матролитен деворларини безаб турувчи рангдор ва кўркам мармар ҳам кўп сонли денгиз ҳайвонлари табиий муҳитнинг беқийс обидасидир. Бир қарашда улар ўртасидаги умумийлик илганмаса-да, бироқ синчиклаб таҳлил этилгудек бўлса, денгиз ҳайвонларининг аста-секин мармарга айланишини англаш мумкин.

Шунга қарамай, табиат ана шу икки қисмининг мустақиллигини ҳар қадамда, ҳамма ерда кузатамиз. Машҳур олим В. И. Вернадский жонсиз табиат жонли табиатнинг яшаш муҳити ва ривожланиш шароити, деганида минг бор ҳақ эди.

Шубҳа йўқки, пингвин ҳақида уйлаганда, кишининг кўз ўнгяда Антарктиданинг аёзли муҳити, жирафа тасаввур қилинганида эса иссиқ иқлимли ерлар намоён бўлади. Жонли табиатнинг энг фаол вакили одамдир. Унинг мустақиллиги аён, албатта, бироқ атроф-муҳит билан алоқасиз яшай олмайди, чунки у билан муайян даражада боғлиқдир. Унинг табиатга таъсири зўр. Фан-техника тараққиёти кучая борган сайин бундай таъсир ҳам янада ортаваради. Бундай таъсирот натижалари хилма-хил бўлиб, аксари ҳолларда салбий хусусият касб этади. Бунда ҳамма гап мазкур таъсирот табиатнинг табиий ривожланишига қанчалик мувофиқ қилишига боғлиқдир. Агар инсон таъсироти кечаётган табиий жараёнларга хилоф равишда амалга оширилса, кўнгилсизлик оқибатлар келиб чиқади, баъзан бундай оқибатлар ҳалокатли бўлиши мумкин.

Маълумки, тоғ ёмғирларидаги ўрмон ёппасига кесиб ташланса, сел оқимларининг активланиши ёки баъзи ерларда буткул йўқолиши, дарёларга бевосита туташувчи районлардагина эмас, балки ундан олисроқ ерларда ҳам геосистеманинг анчагина ўзгарishiга олиб келади. Инсоннинг табиатга таъсири геологик жараёнларга нисбатан катта кўламга эғалигидан салбий ҳодисалар кўлами ҳам ортади. Илгари денгиз учун асосий манба бўлиб ҳисобланган дарё оқимининг тўла «изин»га олинишини муносабати билан Орол денгизининг қуриб бораётганлиги фикримиз далили бўла олади.

Афсуски, табиатдан бундай палапартиш фойдаланиш мисолларини кўплаб келтириш мумкин. Бироқ инсон табиат алоқасининг таҳлили хотиманинг мудом салбий бўлишини исботламайди. Атроф-муҳит табиий ривожланишининг инсон томонидан етарли ҳисобга олинмаслиги туфайлигина одатда шундай оқибатлар рўй беради.

Бу гаплар жонсиз табиатга ҳам буткул таалуқдир, зеро унинг ҳам озор чекиши жонли табиатникидан кам эмас. Табиатни муҳофаза қилиш шакллари хилма-хил. Улар ўртасидаги тафовутлар, охир-оқибат қўриқлаш масалаларига бориб тақалади. Ҳсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш мақсадида барпо этиладиган қўриқхоналар энг кенг тарқалган формалардан ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, табиатни муҳофаза қилиш тушунчаси, бинобарин, жонсиз табиатни муҳофаза қилишга ҳам тўла тааллуқдир.

ФОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТ

1. Армен Аршавирович Азатьян, Выдающиеся исследователи природы Средней Азии. Вторая половина XIX в. Тошкент издательство «Учитель». 1966 г.

2. Виктор Львович Шульц, Раҳмонали Машрапов, Урта Оснё гидрографияси, Тошкент, «Уқитувчи» нашриёти, 1969 й.

3. Любовь Васильевна Яскина, «Дендрология», Тошкент, «Уқитувчи» нашриёти, 1980 йил.

4. Елена Михайловна Бельская, Ортиқ Абдуллаевич Мўминов, «Табиатшунослик», 48-230 бетлар.

Тошкент, «Уқитувчи» нашриёти, 1988 йил.

5. Роман Николаевич Мекленбурцев, «Хышные птицы Узбекистана», Ташкент, «Узбекистан», 1982 г.

6. Қудратилла Ҳайдаров, «Табиат ва инсон экологияси», Самарқанд, 1993 й.

7. Мухамадхонов Санжар Рамзитдинович, Жангуразов Фуад Халитович, Усимликшуносликка онд русча-ўзбекча изоҳли лўғат, Тошкент, «Меҳнат» нашриёти, 1989 йил.

Мундарижа

Табиаг — биз яшайдиган микон — О. Жалолов таъризи	4
Долзарб масала — Т. Айнаев таъризи	5
М у қ а д д и м а	6
Улкамизнинг геологик тарихида.	8
Улкамиз дарёлари	12
Сурхондарё ирмоқлари	17
Ш е р о б о д д а р ё	18
А м у д а р ё	19
Амударё соҳили хўжалиги	21
Сурхон Давлат қўриқхонаси	22
Илоят овчилик кўнгилли спорт жамияти	23
Термиз ҳайвонот боғи	24
Воҳа гупроғи, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси	26
Улкамиз ҳайвонот дунёси	27
Улкамиз балиқлари	31
Улкамиз илонлари	33
Улкамиз ўсимлик дунёси	35
Улкамиз заҳарли ўсимликлари	60
Ҳайвонлар атроф-муҳитини, табиатни ҳис қилтирларми?	63
Табиатни асрайлик	65

ОЛЛАБЕРДИ КАМОЛОВИЧ БЕРДИЕВ,
ХУДОЙБЕРДИ БЕКХОНОВИЧ МАҲМУДОВ

СУРХОНДАРЕ ҲАҚСИ ТАБЎАТИ.

(С) Сурхондарё вилоят матбуот бошқармаси «Жайхун» нашриёти.
Термиз—1998 йил.

Мухаррир

Мухаммаджон АЗИМОВ.

Тузилиш муҳаррири

Мухаммади ЖУРАЕВ.

Мусахҳид

Холбиби МИРЗААҲМЕДОВА.

25.05.98 йилда теришга берилди. 10.06.98 йилда босишга рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 4,5 босма тобоқ. нусхаси 2000 дона. Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 8.

Денов ижара босмахонасида теришиб, чоп этилди. Денов шахри,
Ш. Рашидов кўчаси, 247-уй.



Оллаберди Бердиев 1929 йилнинг январида Термиз шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Икки марта Олий маълумотли-тарих-Археология ўқитувчиси — Табиатшунос. Бухоро муаллимлар Олийгоҳини ҳамда Москвадаги Олий партия мактабини тамомлаган. Узоқ йиллар Партия ва Совет ташкилотларида ишлаган. X-XIV чакриқ вилоят Кенгаши депутаты этиб сайланган ва шу Кенгашнинг Табиат ва Тарих ёдгорликларини муҳофаза қилиш доимий комиссияси аъзоси ва раиси бўлган.

Республика, вилоят рўзнома ойнومаларида 70 дан ортиқ илмий ва оммабоп мақолалари эълон қилинган.



Худойберди Махмудов 1940 йилда ҳозирги Навшаҳар станцияси маҳалласида деҳқон оиласида туғилади.

Олий маълумотли. Қарши муаллимлар олийгоҳини тамомлаган. Кейинги йилларда маданият соҳасида ташкилот раҳбари бўлиб ишламқда табиатшунос.

Республика, вилоят рўзнома ва ойнومаларида 30 дан ортиқ илмий ва оммабоп мақолалар эълон қилган.